Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ÖZBEKISTAN AVAZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1993 йил 9 октябрь, шанба № 184—185 (21.536). Сотувда эркин нархда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗБЕКСАВДО» ДАВЛАТ УЮШМАСИ ВА «ЎЗБЕКБИРЛАШУВ»ДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 16 июлдаги 360-сон қарори билан асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг шартномавий (эркин) чакана нархларига ўтиш механизми белгиланган (аҳолига меъёрланган миқдорларда сотиладиган қолипда пиширилган нон ва ун бундан мустасно).

Мана шунга асосланиб, шунингдек, МДҲнинг бошқа минтақаларидан ҳамда импорт бўйича ташиб келтирилаётган гўшт ва қанд-шакарнинг нархлари муттасил ўсиб бораётганлигини ҳисобга олиб, озиқ-овқат маҳсулотлари қўшни республикаларга ғайриқонуний равишда ташиб кетилиши йўлидаги уринишларнинг олдини олиш мақсадида «Ўзбексавдо» уюшмаси, «Ўзбекбирлашув» ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 1993 йилнинг 11 октябридан бошлаб меъёрлар бўйича сотиладиган ҳар бир килограмм гўштнинг чакана нархини 1200 сўм ва қандшакарнинг нархини 450 сўм миқдорида белгилаш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Шуни таъкидлаш зарурки, ҳатто янги нархлар белгиланганда ҳам барча харажатларни қоплаш учун гўштнинг ўзигагина бир ойга ҳисоблаганда дотациялар миқдори 4,6 миллиард сўмни ташкил қилади.

Нархлар оширилганига қарамай, янги чакана нархлар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги энг паст нархлар бўлиб қолаяпти. Қуйида келтирилган маълумотлар шундан далолат беради:

(1 кг учун сўм ҳисобида)

	Тошкент	Москва	Санкт-Петербург	Ереван	Минск	Бишкек	Кишинёв	Олмаота	Душанбе
гўшт (мол гўшти)	1200	1770	1680	2200	1300	1200	1860	1980	1290
Қанд-шакар	450	660	585	1450	1100	1100	—	880	—

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши

Республика аҳолисини меъёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ижтимоий адолат қоидаларига риоя этиш мақсадида:

1. 1993 йилнинг 1 ноябригача гўшт ва қанд-шакар аҳолига 1993 йилнинг 11 октябригача амалда бўлган нархларда сотилиши таъминлансин.

2. «Ўзбексавдо» уюшмаси, «Ўзбекбирлашув», савдо тармоғига эга бўлган вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ушбу фармойиш сўзсиз бажарилишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги «Ўзбексавдо» уюшмаси ва «Ўзбекбирлашув» билан биргаликда ана шу мақсадлар учун бюджетдан бериладиган дотация миқдорларига зарур ўзгаришлар киритсинлар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 8 октябрь.



Дилоромхон Исоқова Булоқбоши пиллакашлик фабрикасида ишлайди. У ўзининг меҳнатсеварлиги, топшириқларни ўз вақтида сифатли адо этиши билан ҳамкасблари ўртасида ҳурмат қозонган. Фабрикада бу йил режадаги 81 тонна ўрнига 84 тонна ипак ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

СУРАТДА: илғор ишчи Дилором Исоқова.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

НУКУС. Бу ерда Қорақалпоғистон Республикаси фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унга Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси халқ депутатлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, вазирликлар, бирлашмалар, бошқармалар, корхоналар, идоралар, ижодий муассасалар ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, шаҳар ва туман партия кенгашлари котиблари таклиф қилинди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раиси У. Аширбеков Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» рисоласи ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн учинчи сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида маъруза қилди.


Маърузачи ва музокараларда қатнашган ўртоқлар республикамиз мустақиллигининг икки йилида халқ хўжалиги тармоқларида эришилган дастлабки муваффақиятларни алоҳида таъкидладилар.

Фаоллар йиғилишида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Р. Йўлдошев, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши биринчи котиби А. Асанов иштирок этдилар. Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилинди.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

ЯНГИЛИКЛАР ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР

ОНА ВАТАН: КЕЧА БУГУН ЭРТАГА



Соғлом авлод учун

ЖАМҒАРМА МУТАСАДДИЛАРИ ТАЙИНЛАНДИ

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасида «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси таъсис конференцияси бўлди. Уни республика Бош вазирининг ўринбосари, конференция ташкилий қўмитаси раиси М. Қорабоев очди.

— Ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва етук бўлишига эътибор давлат сиёсатининг асосий тамойилларидан биридир, — дейди М. Қорабоев. — Мазкур сиёсатни қўллаб-қувватлаш йўлида бугун яна бир хайрли иш амалга оширилмоқда.

Конференцияда жамғарманинг Низоми муҳокама этилди ва асос учун қабул қилинди. Жамғарманинг бошқаруви ва тафтиш комиссияси аъзолари тасдиқланди. Г. Йўлдошева жамғарма бошқаруви раиси этиб сайланди. Конференция ишида Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси У. Азимов қатнашди.

Халқаро алоқалар

ШВЕЙЦАРИЯ АНЖУМАНИДА

Швейцарияда халқаро кооперативлар альянси (ХКА) бош ассамблеясининг навбатдаги анжумани бўлиб ўтди.

Анжуман ишида 91 давлатдан 344 делегат иштирок этди. Улар орасидан «Ўзбекбирлашув» бошқаруви раиси Геннадий Волков билан Қорақалпоғистон Республикаси кооператив савдо бошқаруви раиси Давлатали Сахиев ҳам бор эди.

— Биз уч кун мобайнида Германия, Австрия, Туркия, Исроил каби давлатларнинг халқаро кооперативчилик ҳаракати вакиллари билан учрашиб, ўзаро ҳамкорлик хусусида келишиб олдик, — дейди Давлатали Сахиев.

Маърифат ўчоқлари

БЎЛАЖАК ИҚТИСОДЧИЛАР

Қўқонда Ўзбекистон—Туркия ўғил болалар иқтисод лицейи ташкил этилди.

Лицейга Фарғона вилояти туманларидан 125 нафар иқтидорли ўқувчи тест асосида танлаб олинди. Бу ерда қулай ўқув хоналари, ётоқхона, ошхона, спорт майдончалари бор. Талабаларга Туркия ва Ўзбекистонлик муаллимлар инглиз тилида сабоқ беришмоқда.

Янги маҳсулот

«МУСТАҚИЛЛИК» АТЛАСИ

Андижон саноат комбинати ходимлари янги хил хонатлас ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар.

Маҳсулотга «Мустақиллик» номи берилди. Мутахассисларнинг фикрича янги хилдаги атлас шарқона хос гули ва жилоси билан харидорларга маъқул тушмоқда.

Терим мавсуми

ХАЙРЛИ ТАШАББУС

Намангандаги аврли газламалар ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимлари вилоят меҳнаткашларига мурожаат қилиб, пахта йиғим-теримида деҳқонларга мададкор бўлишга даъват этдилар.

Бирлашманинг 300 нафар ишчи-хизматчиси шу кунларда Задарё туманидаги «Украина» давлат хўжалиги далаларида пахта теришмоқда. Маълум бўлишича Намангандаги саноат корхоналари ва ташкилотларининг 3500 нафардан кўпроқ ходими пахтакорларга ёрдамга келган.

Ёлғоннинг умри қисқа

СОТИБ ОЛГАН ЭМИШ

Ховос даҳасида жойлашган божхона ходимлари четга олиб кетилаётган 3 минг килограмм маргаринни ушлаб қолдилар.

Маълум бўлишича, Карим Фозилов бошқараётган давлат рақами 07—75 СИВ юк автомашинасига шунча маҳсулот ортилган экан. Юкни кузатиб бораётган Ленинобод вилоятидаги Зафаробод туманида маҳсулот тайёрловчи вазифасида ишловчи Зоир Раҳимовнинг гапига қараганда маргарин Гулистон шаҳридаги бозордан сотиб олинган эмиш. Лекин ёлғоннинг умри қисқа. Маҳсулот давлат фойдасига мусодара қилиниб, З. Раҳимовга 27 минг 500 сўм жарима солинди.

(Мухбирлар ва ЎзА хабарлари ҳамда хатлар асосида тайёрланди).

ЯНГИЛИКЛАР ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТОШКЕНТ ШАҲРИ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси халқларининг қардошларча дўстлигини янада мустаҳкамлаш, миллий маданиятларининг бир-бирини ўзаро бойитиши жараёнини чуқурлаштириш, Тошкент шаҳри маданияти ва санъати ютуқларини Қорақалпоғистон Республикасида кенг тарғиб қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг Қорақалпоғистонда Тошкент шаҳри маданияти кунларини ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқулланиб, 1993 йил ноябрь ойининг иккинчи ярмида ўтказилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикасида Тошкент шаҳри маданияти кунлари иштирокчиларининг сони 150 кишидан иборат қилиб белгилансин.

3. Тошкент шаҳар ҳокимлигига (А. Фозилбеков) Қорақалпоғистон Республикасида Тошкент шаҳри маданияти кунларини ўтказиш бўйича тегишли чора-тадбирларни кўриш топширилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси ва «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни зарур босма материалларни чоп этишни таъминласин.

5. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси маданият кунлари қатнашчиларининг Қорақалпоғистон Республикасига бориши ва келиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этсинлар.

6. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси, газеталар таҳририятларига Тошкент шаҳри маданияти кунларини тайёрлаш ва ўтказиш жараёнини кенг ёритиш тавсия этилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикасида Тошкент шаҳри маданияти кунларини ўтказиш муносабати билан сарфланган маблағлар тақдим этилган сарф-харажатлар рўйхатига биноан Тошкент шаҳри маҳаллий бюджети ва Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ҳисобидан қопласин.

8. Мазкур қарорни бажариш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси Р. Йўлдошев ва Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков ўртоқлар зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 8 октябрь.

ОБУНА—94

Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» (нашр номи) 64583 (нашр кўрсаткичи)

рўзномасиға ОБУНА

обуна сони

1994 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

64583

П.В. Жойи (нашр кўрсаткичи)

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

(нашр номи)

обуна янги манзилга юбориш	баҳоси	сўм	обуна сони
	баҳоси	сўм	

1994 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ХДП Қамаши туман кенгаши ижроия бюроси йиғилишида «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарига 1994 йил учун обунани ташкил этиш масаласи кўриб чиқилди. Бу тўғрида туман партия кенгашининг биринчи котиби Ж. Расулов ахборот тинглади.

Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорда тумандаги барча хўжаликлар ва корхоналар бошланғич партия ташкилотларига ХДП аъзоларини, ишчиларни, «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталарига обунани уюштириш топширилди.

Шунингдек, кам даромадли ишчиларни, деҳқонларни, уруш ва меҳнат фахрийларини хўжалик ва муассасалар ҳисобидан обуна қилиш масаласига алоҳида эътибор берилди.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• ХДП ҳаётидан

МУҲИМ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби, Ўзбекистон халқ депутати М. Расулов икки кун давомида Фарғона вилоятида бўлди. Ташриф мобайнида бугунги кунда партиянинг турли даражадаги кенгашлари олдида турган муҳим вазифалар белгилаб олинди. Булар Ўзбекистон Олий Кенгашининг ўн учинчи сессиясида ва БМТ йиғилишида республика Президенти Ислом Каримов маърузаларидаги қоида ва хулосалардан келиб чиқадиган вазифалардир. Президентимизнинг «Ўзбекистон — бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли» рисоласида билдирилган фикр ва мулоҳазалар, айниқса, катта қизиқиш уйғотмоқда. Мақсад — рисолани номига муҳокама қилиш эмас, аксинча унинг моҳиятини оммага етказиш. Ана ўшанда халқ эртанги кунини, мамлакат истиқболини ёркинроқ тасаввур қила бошлайди. Кенг тарғиботчилик ишларида ХДП аъзолари тажрибаси асқотиши шубҳасиз.

— Улар халқ ичига кириб боришлари, Президентимиз ички ва ташқи сиёсатини аҳолининг барча қатламларига тушунтиришлари зарур, — деди М. Расулов.—Миллий истиқлол мафкурасини яратишда партиянинг ролига шу боис ҳам катта аҳамият берилмоқда.

Халқ билан ҳамнафас бўлишда ХДП бошланғич ташкилотлардаги фаолларига таянади. Биринчи котиб Ўзбекистон туманидаги Овчи қишлоқ кенгаши қошидаги ҳудудий партия ташкилоти фаолияти билан танишди. Бу ташкилотга эл ўртасида нуфузли, маҳалла қўмитаси раиси Охунжон Усмонов котиблик қилади. Бир пиёла чой устида маҳалла фаоллари, оқсоқоллар, уруш ва меҳнат фахрийлари билан суҳбатларда юртбошимиз тутаётган сиёсат қизғин маъқулланди. Оқсоқоллар Президент ҳақига дуо қилдилар. «Ғаниобод» ширкатлар уюшмасида эса партия хўжалик фаоллари билан дилдан мулоқот бўлди.

Депутатлар халқ ҳаётининг барометрлари бўлиши керак. Шу боис Олий Мажлисга сайловлар тўғрисидаги қонун лойиҳаси зўр манфаатдорлик билан муҳокама қилинди.

Худди шундай учрашувлар вилоятдаги Фурқат туманида ҳам бўлиб ўтди. Туман фаоллари йиғилишида М. Расулов маъруза қилди. Йиғилишда Фарғона вилояти ҳокими, Ўзбекистон халқ депутати Мирзажон Исломов нутқ сўзлади. Жамият пойдевори меҳнат ва интизом билан мустаҳкамланишига урғу берилди. Миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришда партия ташкилотлари олиб бораётган ибратли ишлар айтиб ўтилди.

Сафар режаси тиғиз эди. Учрашувлар мулоқотларга, мунозараларга уланиб кетди. Фарғона шаҳридаги 13-маҳалла ҳамда Қиргули туманидаги сайлов округлари қошидаги ҳудудий партия ташкилотлари фаоллари билан учрашувларда республика ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар хусусида гап борди. Асосийси ана шу ўзгаришларни қалбан, руҳан ҳис қилиш, жонкуяр, ҳаракатчан одамларни топиб, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишдир.

Вилоятдаги туман, шаҳар партия кенгашларининг котиблари, ХДП фаоллари билан учрашувда Маҳмуд Расулов уларнинг олдида турган қатор вазифаларни белгилаб берди. Ислоҳотнинг бош йўналишлари ҳал қилувчи бўғинга айланишига интилиш ҳар бир партия аъзосининг мақсади бўлмоғи керак. Пахта ҳосилини нестнобуд қилмай йиғиб-териб олишда ХДП аъзолари намуна кўрсатмоқликлари ҳам фарз, ҳам қарздир. Йиғилганлар бугунги куннинг ана шундай долзарб вазифаларини тўғри тушундилар.

Шавкат ИСРОИЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• ПАРТИЯНИНГ МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИНИ ЯРАТИШГА ДОИР НУҚТАИ НАЗАРИ—МУШТАРИЙЛАР МУҲОКАМАСИДА

КУЧ—БИРЛИКДА

Президентимиз И. А. Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласида мустақил Ўзбекистонни ривожлантириш маънавий-ахлоқий негизлари тўғрисида фикр юритиб: «Умумий ғоясиз бизнинг кўпмиллатли мамлакатимизда маънавий маконни яратиш мумкин эмас», деб ёзади.

Халқимиз азалдан умуминсоний қадриятларни эъзозлаб келган. Мустақиллик шарофати билан жуда бой тарихий, маданий ва маънавий меросимиз сарчашмаларидан баҳраманд бўляпмиз. Миллий истиқлол мафкурасини яратишда аввалombор авлодларимиз меросига мурожаат қилиш, уни замонавий руҳ ва мақсад билан бойитиш лозим деб ўйлаймиз.

УЛУҒ БОБОКАЛОНИМИЗ Амир Темур ҳаёти мобайнида беш нарсага қаттиқ эътиқод қўйиб, уларга ҳамиша амал қилиб келган экан. Шулардан Тафаккур ва Имонни қуйидагича изоҳлаган. Тафаккур — фикрлаш ва мушоҳада қобилияти, қуввати ҳофизаси кучли инсон ҳар қандай мушкулотни осон қилиш йўлини топади.

Иймон—ул инсонни барча жонлардан фарқлантириб тургувчи хусусиятдир. Иймонли одам хиёнат қилмайди, қариндош-уруғлари, элу халқнинг ор-номусини ҳимоя қилади, ҳалоллик ва покликни фазилат билади.

Шунга ўхшаш эзгулик ва фозилликка ундовчи кўплаб ўгитларни улуғ даҳолиримиз бизга мерос этиб қолдиришган. Янги миллий истиқлол мафкурасини яратишда ана шулар асос бўлиб хизмат қилиши керак.

Шу ўринда биз бир нарсани унутмаслигимиз зарурати туғилади. У ҳам бўлса, ҳозирги авлод 70 йил давом этган коммунистик мафкура тазйиқларида улғайган, таълим ва тарбия олган. Шу сабабли орамизда мустақилликнинг, халқимиз ва давлатимиз олдида турган улкан вазифаларнинг тарихий аҳамияти ҳамда моҳиятини тушуниб етмаганлар, четдан кузатиб турганлар, ҳатто қўролмаётганлар ҳам бор. Ёшлигимизда онгимизга қуйиб келинган ғояларнинг инкор этилиши, унинг пароканда-ликка учраши кўпчиликка маънавий таъсир кўрсатди. Ҳар қандай шиор, ғоя мафкурага нисбатан лоқайдлик кайфиятини, маънавий бўшлиқни келтириб чиқарди. Ватан, миллат, мулк каби тушунчаларга мавҳумлик киритди. Баъзи одамларда, айниқса ёшларда боқимандалик, дахлсизлик қайфиятини туғдирди.

Миллий истиқлол мафкураси миллий тотувлик ва осойишталикни таъминлашга, она-Ватан, она тилимиз, маънавий бойликларимизга чексиз муҳаббат ҳиссини тарбиялашга хизмат қилиши шубҳасиз. Республикамизнинг ҳар бир фуқароси миллати, дини, эътиқодидан қатъи назар, тенг ҳуқуқлилиги Конституциямизда ҳам белгилаб қўйилган. Мустақил республикамизда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари осойишта меҳнат қилиб келаётганлиги бизнинг яна бир улкан ютуғимиздир. Биз бундан фахрланамиз.

Миллий истиқлол мафкурасининг яна бир асоси ижтимоий адолат принципларига қатъий риоя қилиш бўлмоғи лозим. Адолатли қонунларимиз олдида барча фуқароларнинг тенглигини таъминлаш, жиноятчиликнинг ҳар қандай кўринишига нисбатан кескин ва муттасил кураш олиб бориш, одамларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — сиёсатимиз мезони бўлиб қолиши керак. Кейинги пайтларда ҳукуматимиз томонидан бу йўналишда жуда кўп ишлар амалга оширилишидан халқимиз мамнун.

Адолатпарварлик халқимизга хос хислатлардан бири бўлиб келганлиги Мунис Хоразмийнинг қуйидаги сатрларида ҳам акс этган:

Сабот истасанг мулк бунёдиға,
Адолат била ет улус додига.
Адолатдан ўлди эл осойиши,
— Эл осойиши — мулк ороиши
Қаю мулкким шоҳи одилдурур,
Анга барча эл кўнгли мойилдурур.

Соҳибқирон Амир Темур ҳам «Куч — адолатдадир» деб бежиз айтмаган.

Ижтимоий адолатли жамият қуриш, одамларни адолатпарвар бўлишлари учун инсоф, диёнат, ҳалоллик, гуноҳ ва савоб деган иборалар-нинг моҳиятини ёшларимиз онгига сингдириш керак бўлади. Чунки давлатимиз келажаги ёшларимиз қўлидадир. Тарбиявий жараённи она сути билан, ота каломи билан бошлаб, боғча, мактаб ва ўқув юртларида давом эттириш, халқимизнинг энг яхши анъаналарини, урф-одатларини уларнинг қалбига сингдиришдек вазифа турибди. Қарияларимизнинг айтишларича, ҳатто энг оғир, йўқчилик пайтларида ҳам эшикларида қулф бўлмаган экан. Ўғрилик, маиший бузуқлик, ҳурматсизлик каби иллатлар энг катта гуноҳи азим ҳисобланган. Ундайлардан халқ нафратланган. Эл қарғишига учраганлар номусга чидай олмай бошқа ерларга кўчиб кетишга мажбур бўлар эканлар. Мафкурамизнинг ўткир тиғини ана шундай иллатларга қаратмоғимиз лозим. Токи халқимизда бундайларга нисбатан нафрат уйғонсин.

Иймонли, эътиқодли одамларни вояга етказиш учун тарбияда диний назария ва билимлардан оқилона фойдаланиб, диний меросимизни чуқур ўрганиш, фойдали томонларини қўлланиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун шу соҳада кўплаб мутахассислар тайёрлашимиз, диний билимлар ва диннинг моҳиятини тўғри талқин қила оладиган тарбиячилар, ҳамда ўқитувчилар етиштиришимиз зарурга ўхшайди.

Ватанпарварлик деганда фақатгина қўлда қурол билан она-юртни ҳимоя қилиш эмас, балки халқи ва Ватани қайғусини, унинг келажагини ўйлайдиган, авлодларимиз меросини авайлаб-асрайдиган, истиқлолни мустаҳкамлайдиган, юртимиз шаънини бутун жаҳонга шарафлайдиган фидойи кишилар кўзда тутилади. Кино ва телевидениеда, адабий асарларда мана шундай жонкуярларнинг образини яратадиган фурсат етди.

Чет элларда таҳсил олаётган ёшларимиз, хизмат вазифасини адо этаётганлар Она-юрти ва юртдошлари тўғрисида тўлқинланиб, чин юракдан гапиришади. Айриликда Ватан ҳисси кучаяди. Буни Фурқат, Навоий, Бобур каби алломаларимиз ўз шеърларида кўп таърифлашган. Мана шундай Ватан ҳиссини ўз заминимизда туриб ҳам ҳис қилишга эришишимиз керак.

Ўйлайманки, миллий истиқлол мафкурасини яратишда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ҳам муносиб ҳиссаси бўлади.

Партиямизнинг яқинда муштарийлар муҳокамасига ҳавола этилган миллий истиқлол мафкурасига доир нуқтаи назари эса фикримиз далилидир. Айни пайтда вилоятимизда миллий истиқлол мафкураси юзасидан партиямиз аъзолари ва кенг жамоатчиликнинг фикри ўрганилиб, умумлаштирилмоқда. Ушбу мафкурани яратиш ва амалда қўлланишга ҳар бир партия аъзоси фаол иштирокини таъминлашга эришишга ҳаракат қиляпмиз.

Ў. ТУРҒУНОВ,
Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши биринчи котиби, Ўзбекистон ХДП Марказий тафтиш комиссияси раиси.

ЎҚУВ ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг Ўқув марказида шаҳар, туман партия кенгашлари биринчи котибларининг бир ҳафталик машғулотлари якунланди.

Ўқув жараёнида мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг республика Олий Кенгаши ўн учинчи сессиясида «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари» мавзуида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар Марказий Кенгаш котибларининг маъруза ва суҳбатларида ўз аксини топди.

Ўқув дастурида Ўзбекистон ХДПнинг икки йиллигини кенг нишонлаш, партия ташкилотлари обрў-эътиборини янада ошириш, Президентимиз ҳамда ҳукумат томонидан чиқарилаётган Фармон ва қарорларнинг бажарилишига кўмаклашиш, партия фаолларининг хўжаликларда, фабрика, заводлар ва маҳаллаларда бўлиб, тарғибот-ташвиқот ишларини изчил олиб боришларини таъминлаш, миллий истиқлол мафкурасини яратиш сингари қатор муаммолар партия олдида турган долзарб масалалар эканлиги таъкидланди.

Шунингдек, «Республика сайлов тизими: жаҳон тажрибаси, муаммо ва ечимлар» мавзуидаги маъруза, ХДП Дастури ва Низоми, партия ташкилотларининг мафкуравий ишлари самарадорлигини оширишга доир қатор муҳим масалалар бўйича ҳам мутахассисларнинг суҳбатлари тингланди.

Ушбу мавзу ва масалалар юзасидан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов, Марказий Кенгашнинг иккинчи котиби, фалсафа фанлари доктори А. Жалолов, котиблардан юридик фанлари доктори А. Саидов, И. Кочмарик, А. Мирқосимов, Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти, академик И. Исқандаров, Ўзбекистон ташқи иқтисодий миллий банки бошқаруви раиси Р. Азимов, Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш давлат қўмитаси раиси Ш. Ғофуров ва бошқалар маъруза қилдилар.

Тингловчилар ўқув давомидаги амалий машғулотларда Ким Пен Хва номли халқ корпорацияси тажрибаси мисолида деҳқончилик саноатида мулкчиликнинг турли шаклларини ривожлантириш истиқболлари, партия ташкилотининг иши, ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Ўқув давомида «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари жамоаларида учрашувлар бўлди. Азим Суюн ва В. Чеботин йиғилганларга ушбу нашрлар фаолияти ҳақида сўзлаб берди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг иккинчи котиби А. Жалолов ўқишга якун ясади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот маркази.

«МОВАРОУННАҲР» МУСУЛМОНЛАР ИДОРАСИ ХОДИМЛАРИНИНГ

БАЁНОТИ

Мана, бир неча кундирки, Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари қатори биз, мўъмин-мусулмонлар ҳам Москвада бўлаётган даҳшатли воқеаларни ҳаяжон билан кузатиб турибмиз.

Демократия ва мустақилликни тан олмаётган қора кучлар бош кўтариб, яна ҳукмронликни қўмсаб, ҳокимиятни қўлга киритмоқчи бўлдилар.

Қачонлардан бери «демократия ва ошкоралик», «халқ ҳокимияти» деган ибораларни баланд кўтариб келаётган Руслан Хасбулатов, Александр Руцкой ва бошқа кишилар бошлиқ эскича даҳрийлик тузуми тарафдорлари афгор оммани нинг бошини айлантириб келмоқда эдилар... Мана, ниҳоят, уларнинг аниқ мақсадлари намоён бўлди.

Аввалда «биз музокара олиб борамиз», деб халқ ноибларини чалғитиб, парламентчилар қароргоҳи бўлмиш «Оқ уй»га Россия Федерациясининг қонуний Президенти Борис Ельцинга мухолиф бўлганлар кириб олдилар ва 3 октябрь куни ўзларининг қора ниятларини амалга оширишга киришдилар.

Аммо Аллоҳга шукрким, уларнинг қора ниятлари амалга ошмади.

Биз, пок виждонли барча фуқаролар қатори, амалпараст ва мансабпараст иғвогарларнинг хатти-ҳаракатларини қоралаймиз ва уларга лаънатлар ўқиймиз. Россия Федерациясидаги келишмовчиликлар фақат тинч йўл билан ҳал этилиши керак.

Ҳаммага маълумки, ҳозирги кунда бизнинг жумҳуриятимизда юздан ортиқ миллат вакиллари ва турли динга эътиқод қилувчилар тинч-осуда ҳаёт кечирмоқда. Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов ҳазрати олийлари Ўзбекистон Республикасининг равнақи йўлида, халқимизнинг фаровон турмуш кечириши учун тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. У кишининг саъй-ҳаракатлари туфайли юртимизда осойишталик ҳукм суриб келмоқда. Аллоҳ у кишининг умрларини узоқ қилсин.

Биз «Мовароуннаҳр» мусулмонлари Россия Федерациясидаги барча фуқароларга аввалambор тинчлик-омонлик, Москвадаги биродарларимизга эса сабр-қаноат тилаб қоламиз.

Илоҳим, тинчлик барқарор бўлсин.

ТЕРИМЧИГА ЮЗ МИНГ СЎМ

Қумқўрғондаги Нурмамат Мирзаев номли жамоа хўжалиги 1676 гектар ердан 5200 тонна хирмон кўтариб, йиллик пахта тайёрлаш режасини бажарди! «Юлдуз» навининг тезпишарлиги, серҳосиллигидан хўжалик пахтакорларининг боши осмонга етди. Улар 30 иш кунида маррани эгалладилар. Муҳаббат Маматқобилова сингари чевар теримчиларга 100 минг сўмдан иш ҳақи берилди.

Ҳўжаликда режага қўшимча яна 2100 тонна пахта тайёрлаш мўлжалланмоқда. 20 фоиз пахтасини ҳамда режадан ташқари маҳсулотнинг ҳаммасини хўжаликнинг ўзи сотади. Хомаки ҳисоб-китобларга кўра хўжалик бу тижоратдан 3 миллиард сўмга яқин даромад олади.

Шунингдек тумандаги «Оққапчиғай» давлат хўжалиги пахтакорлари ҳам йиллик режани бажардилар. Шеробод, Денов, Ангор туманларининг кўпгина хўжаликлари маррага яқинлашди.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

„ОҚ ОЛТИН" ХИРМОНИГА

Республика вилоятларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1993 йил 8 октябрга қадар бўлган МАЪЛУМОТ

(Режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	Жами		Шу жумладан машинада терилгани	
	Бир кунда	Мавсум бошидан	Бир кунда	Мавсум бошидан
Хоразм	2.77	70.70	0.81	5.66
Бухоро	3.37	63.08	1.38	13.93
Сурхондарё	0.44	60.39	0.36	31.83
Қорақалпоғистон Республикаси	2.80	51.30	2.44	31.01
Қашқадарё	3.57	44.70	3.83	32.23
Навоий	3.52	34.95	2.24	10.97
Фарғона	0.69	33.49	0.37	3.79
Андижон	0.64	29.40	0.19	2.96
Наманган	1.01	18.53	0.23	2.43
Самарқанд	2.49	17.32	1.25	3.85
Тошкент	1.50	11.03	0.80	2.14
Жиззах	1.57	8.45	1.37	5.60
Сирдарё	0.90	5.18	0.21	0.41
Республика бўйича:	**1.86**	**35.36**	**1.21**	**12.01**
Шу жумладан ингичка толали пахта				
Сурхондарё	0.56	47.79	0.00	0.00
Қашқадарё	1.91	11.95	0.00	0.00
Наманган	0.08	5.03	0.00	0.00
Республика бўйича:	**0.86**	**39.17**	**0.00**	**0.00**



Мирзаобод туманидаги Турғун Аҳмедов номли ширкатлар уюшмасида пахта терими тобора авжига чиқмоқда. Бунда хўжалик ХДП ташкилоти томонидан бирмунча ибратли ишлар қилинди.

СУРАТДА: партия ташкилоти котиби Сувон Ҳакимов илғор теримчилардан Инобат Рашидова, Бувсара Холмирзаева ва Гулчеҳра Тўйчиевалар билан.

Н. АЛМУРОДОВ олган сурат.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

янгиликлар Воқеалар хабарлар

„БИЗ КИМ, МУЛКИ ТУРОН..."

БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАР

● **Тожикистон Республикаси Тоғли Бадахшон мухтор вилоятининг пойтахти — Хоруғ шаҳри Англиянинг Оксфорд шаҳри билан биродарлашди.**

Куни кеча Хоруғ шаҳрига Оксфорд шаҳри мэри Майкл Райд номидан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш борасида мактуб келди.

ҲАМКОРЛИК УЮШМАСИ

● **Душанбеда Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг ҳамкорлиги ҳамда тараққиётига кўмаклашувчи уюшманинг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.**

Конференцияда уюшма устави қабул қилинди, унинг президенти ва вице-президенти сайланди.

Анжуман қатнашчилари янги тузилган уюшманинг асосий вазифаси—Марказий Осиёдаги барча республикалар, вилоят, шаҳар ва туманларнинг турли соҳалар бўйича ҳамкорлигини кучайтириш эканлигини таъкидладилар. Маълумки, худди шундай жамоат ташкилотлари Ўзбекистон ва Қозоғистонда кенг фаолият юритмоқда.

ҚОЗОҒИСТОН—АМЕРИКА МУЗОКАРАЛАРИ

● **Қозоғистон Мудофаа вазирлиги билан Америка Қўшма Штатлари делегацияси ўртасида ядро қуролларини чеклаш ҳақида музокаралар бўлиб ўтди.**

Собиқ СССР ҳудудидаги мавжуд ядро воситаларини зарарсизлантириш билан шуғулланадиган бу делегация Қозоғистоннинг амалий ҳаракатларига юксак баҳо берди. Ядро қуролларини чеклаш ҳақидаги Лиссабон битимига ҳар икки томоннинг қатъий амал қилаётгани таъкидланди. Делегация раҳбари Жеймс Гудби Америка муаммони ҳал этишда Қозоғистонга молиявий ёрдам кўрсатишини айтди. Қозоғистон делегациясига республика мудофаа вазири Сагадат Нурмагамбетов бошчилик қилди.

ДЎСТЛИК КЎПРИГИ

● **Сирдарёда улкан кўприк бунёд этилмоқда. Маълумки, Ашт—Тожикистоннинг энг чекка туманларидан бири. Бу ерга поезд йўли қурилмагани учун юк асосан Конибодом шаҳрига ёки мамлакатимизнинг Бешариқ, Поп туманларига туширилиб, сўнгра олиб кетиларди.**

Икки республика қурувчилари тиклаётган дўстлик иншооти фойдаланишга топширилгач, водийдан нафақат Тожикистонга, балки Қирғизистоннинг Ўш шаҳри бўйлаб Хитойга олиб борувчи халқаро автотранспорт йўли шу кўприк орқали ўтади.

Бугина эмас, узунлиги 210 метр, эни 15 метрли кўприкда ҳаракат бошлангандан кейин Тошкентдан Фарғона водийсига қатнайдиган машиналарнинг Бекобод ва Ленинобод орқали айланиб ўтишига ҳожат қолмайди.

ҚУРОЛЛИ ГУРУҲ ЗАРАРСИЗЛАНТИРИЛДИ

● **Тожикистон—Афғонистон чегарасининг жанубий Шаҳритуз йўналишини яқинда бузган муҳолифатдаги қуролли гуруҳини қўлга олиш ва зарарсизлантириш тугалланди.**

Чегара бузувчиларнинг 30 нафари асир олинди. Россия чегарачилари амалга оширган ушбу операция давомида катта миқдорда қурол ва ўқ-дори сақланаётган омборлар ҳам аниқланди.

ТУРКМАН ФИЛЬМИГА «ОЛТИН КАПАЛАК» МУКОФОТИ

● **Халқаро Берлин кинофестивалида туркманистонлик режиссёр Усмон Сапаровнинг «Фариштача, шодлик келтир» фильми энг яхши фильм деб эътироф этилган эди.**

Яқинда Исфаҳон шаҳрида бўлиб ўтган тўққизинчи халқаро болалар фильмлари фестивалида ҳам у «Олтин капалак» мукофотига сазовор бўлди.

Бу фестивалда, шунингдек, Эрон, Канада, Хитой, Швейцария кинематографчиларининг ишлари ҳам ғолиб деб топилди.

Туркманистонлик режиссёрнинг фильми эса энди халқаро Қоҳира кинофестивалида намойиш этилади.

ЯГОНА ТАРИФ ЖАДВАЛИ

● **Тожикистон Республикаси Вазирлар Кенгаши меҳнатни рағбатлантиришни кучайтириш, турли тоифадаги ҳодимларнинг иш ҳақи даражасини ишнинг мураккаблиги ва малакани ҳисобга олган ҳолда асослаш ҳамда унинг механизмини вужудга келтириш мақсадида 1993 йил 1 октябрдан ходимларга ҳақ тўлашнинг ягона тариф жадвалини жорий этишга қарор қилди.**

Жадвал 28 разряддан иборат, биринчи разрядли ходимга ҳозир амал қилаётган энг кам иш ҳақи миқдорида, яъни тўрт минг сўм миқдори белгиланган.

МАҚОМЧИ САНЪАТКОР ЮБИЛЕЙИ

● **Шу йилнинг октябрь ойида Тожикистонда мақом санъатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган санъаткор — Шариф Жўраев таваллудининг юз йиллиги байрам қилинади.**

Тожикистон Республикаси Вазирлар Кенгаши бу борада қарор қабул қилди ва тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Унга мувофиқ, Тожикистон давлат филармониясининг «Ганжина» ансамблига Шариф Жўраев номи берилади ва санъаткорнинг уй музейи ташкил қилинади. Мирзо Турсунзода номидаги санъат институтида хофиз номидаги махсус стипендия жорий этилади.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРИ

● **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тожикистон Республикасида бозор иқтисодиётини ривожлантириш бўйича махсус дастур ишлаб чиқди.**

БМТ бу ишни амалга ошириш учун 5 миллион доллар ажратди.

(Марказий Осиё давлатлари ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

• БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН ТАРИХ

ТАҚДИР ЧОРРАҲАСИДАГИ УЧРАШУВЛАР

Олой маликаси номи билан машҳур бўлган Қурбонжон Мамат қизи (1811—1907) Урта Осиё халқлари тарихида хотин-қизлардан чиққан биринчи генералдир. Шунинг учун ҳам у тарихий манбаларда ва адабиётда Қурбонжон додхоҳ сифатида тилга олинади.

Ушбу тарихий очерк бу ажойиб аёл ва унинг замондошлари ҳаётидан айрим лавҳаларни ёритади.

СКОБЕЛЕВ ҲУЗУРИДА. ОЛОЙ. 1876 ЙИЛ.

Қўмондон чодири атрофида турган аскарлар яқинлашиб келаётган уч отлиққа ғоят қизиқиб қараширди.

— Олой маликаси! — деди кимдир бармоғи билан икки отлиқ олдида келган чавандозни кўрсатиб.

Урта бўй, мўйна ёқали, шойи тўн, қирғизча қалпоқ кийган чавандоз сулув бир аёл эди. Ёши олтмишдан ошган бўлса ҳам ҳусн-тароватини йўқотмаган. Отдан енгил тушганини айтмайсизми!

— Қурбонжон додхоҳ — завқланиб хитоб қилди аллақим. Чодир ичидан дивизия командири генерал майор Михаил Скобелев, штаб бошлиғи, генерал Александр Куропаткин ва тилмоч — подполковник Жўрабек чиқишди.

Полковник князь Витгенштейн қисқача ахборот берди:

— Қурбонжон додхоҳ, ўғли Қамчибек, жияни Мирза Фаёз билан ҳузурингизда, саодати олийлари.

Генерал шоп мўйловини силаб, ёнида турган ўзбек офицери — подполковник Жўрабекка мурожаат қилди:

— Додхоҳга таржима қилиб айтингки, мен уни соғ-саломат кўрганимдан хурсандман.

— Давлатпаноҳ император ҳазрати олийлари амирларига биноан Қурбонжон Мамат қизига рус армияси генерал-майори унвони берилганини маълум қилинг.

Шоҳона безатилган чодир ичидаги дастурхон атрофида Скобелев суҳбатни давом эттирди.

Штаб бошлиғи Куропаткин генералнинг ҳар бир сўзини тарих учун ўзи доимо тутиб юрадиган кундалигига ёзиб қўйди. Икки йилдан бери Фарғона қўзғолонини бостириш учун қонли жанглар бормоқда. Қўзғолон бошлиғи Пўлатхон дорга осилган бўлса ҳам, унинг ўнг қўли бўлмиш Қурбонжон додхоҳнинг тўнғич ўғли Абдуллабек бошчилигидаги ўзбек ва қирғиз йигитлари қаршилик кўрсатишда давом қилмоқда. Олой водийсида партизанлик кучайган, кўзга кўринмас пистирмалардан тўсатдан қилинаётган ҳужумлар чор аскарларининг тинкасини қуритмоқда.

Подполковник Жўрабек эса таржимон сифатида бу суҳбатга қатнашаркан, душман зобитлари либосидаги қонхўр Скобелевга хизмат қилаётганидан қалбидаги нафратдан ўзини зўрға босарди.

Зиёфат тугади. Қурбонжон додхоҳ фотиҳага қўл кўтарди. Генерал Скобелев «илтифот» ила Қурбонжоннинг елкасига заррин тўн ташлади.

ЖУДОЛИК. СКОБЕЛЕВ ШАҲРИ, 1895 ЙИЛ.

Қурбонжон додхоҳ бошига мусибат тушди. Ўғли Қамчибек рус амалдорини ўлдиришда айбланиб ҳибсга олинди. Онанинг фарёдига ҳеч ким қулоқ осмади. Рус маъмурлари қачонлардир ҳайиққан ва ҳатто «ярим пошшо» генерал-губернатор ҳам ҳурматини жойига қўйган Олой маликаси энди кимга керак? 84 ёшли кампирнинг қўлидан нима келарди?

Фарғона вилояти ҳарбий губернатори генерал-лейтенант Повало-Швейковский унинг илтимосномасини рад қилиб, ҳарбий суд ҳукмини тасдиқлади.

Қамчинбек таҳорат қилиб, намозини ўқиб бўлгач, назоратчи уни турма ҳовлисига олиб чиқди.

Йигитнинг кўз олдида мудҳиш дор ва унинг ёнида қаққайиб турган жаллод пайдо бўлди. Атрофни аскар казаклар қуршаган.

Қамчинбек ёруғ дунё билан видолашадиган дақиқалар етиб келганини англади. Генерал-лейтенант Повало-Швейковский қатлни шахсан кўриш учун бир чеккада офицерлар билан қараб турарди. Жаллод сиртмоқни мақбус бўйнига ташлаганда бирдан дарвоза очилиб бир отлиқ чоптириб кирди.

— Менинг буйруғимни ким бузди? — дея дарғазаб бақирди Повало-Швейковский ҳовлиқиб келган казак офицерига.

— Генерал-майор Маматова, саодати олийлари, — дея қўлини чеккасига қўйди соқчилар бошлиғи.

Повало-Швейковский шартта ўгирилиб, дор остига келган отлиққа қаради. Чиндан ҳам отлиқ эгнидаги шинелда генерал погонлари ярқираб турибди, бошида папаха, худди казак атаманига ўхшаш. Губернатор диққат билан юзига тикилди. Тикилди-ю, дами ичига тушиб кетди.

Қамчинбекнинг эса кўзлари чақнаб кетди. У бутун вужуди билан онасига талпинди.

— Хайр, ўғлим, ота-боболаринг ҳам, аканг Абдуллабек ҳам душман қўлида нобуд бўлган. Шаҳид ўлмоқ бизга мерос.

Қамчинбек онаси кўзларида қалққан ёшни кўрди. Лаблари ниманидир шивирлади:

— Сенга берган оқ сутимҳалол бўлсин!

Қурбонжон додхоҳ кенжатойига шундай дея отининг жиловини терс буриб қамчи урди. Она рози — худо рози. Қамчинбек мағрур бошини кўтарди. Шундай она фарзанди ўлимга тик боқиши керак.

Жаллоднинг қўллари титраб атрофга аланглади. Губернаторнинг важоҳатли башарасига дуч келиб вазифасини бажаришга киришди...

«ЯРИМ ПОШШО» ИЛТИФОТИ. АНДИЖОН 1898 ЙИЛ.

Янги тайинланган Туркистон генерал-губернатори Семён Духовской Самарқанд вилоятидан сўнг Фарғонага ташриф буюрди.

Муҳаммад Али эшон қўзғолони бостирилган бўлса ҳам ўлкада унинг аланғаси ўчмаган. Шафқатсиз чоралар ҳам иш бермаяпти. Яккатутда пала-партиш қуролланган йигитлар жазо отрядига қаршилик кўрсатишди. Наманган туманининг тоғли жойларида эса жуда кўп қирғиз йигитлари қўзғолон байроғини кўтаришди. Худди шу ерда қуролланган ўзбек йигитлари телеграф устунини арралаб, темир йўлни бузишди. Қўқонда эса минғга яқин қуролли йигитлар Бешариқда темир йўл бўйлаб ҳаракат бошлаган. Андижон туманининг Сусамир бўлисида, Узун Аҳмад қишлоғида Шодибек бошчилигида минглаб йигитлар тўпланиб, қўзғолонга даъват қилинган. Фарғона вилоятининг шимолида Муҳаммад Алининг жанговар сафдоши Чибил бўлисининг йигитлари ҳаракат қила бошлади. Пишпак, Пржевальск, Жаркент туманларида ҳам халқ кўтарилди. Еттисув вилояти чегарасидаги тоғларда 200—300 кишилик отрядларга бўлинган мингдан ортиқ қўзғолончилар яширинишди. Пржевальск тумани бошлиғи Туркистон ҳарбий округи штабига юборган маълумотига кўра бу қўзғолончиларни андижонликлар озиқ-овқат билан таъминлашган.

Генерал-губернатор ана шуларни ўйларкан, ўтмишдош барон Вревский ва Фарғона вилоят ҳарбий губернатори Повало—Швейковский йўл қўйган мудҳиш хатодан ачиқланди. Нега улар эшондан ҳам кучли обрўга эга Қурбонжон додхоҳни ранжитишди? Ўғилларини ўлдириб, набираларини сургун қилдириб, тинч ётган «илон»ни ўрнидан қўзғотишди. Нега улар тарихни унутишди? Қимсан, ахир, генерал Скобелевдек донгдор саркарда кучи билан ҳисоблашиб музокара юритган Олой маликасининг қудратини билишмади? Худди шу маликанинг жияни Умарбек додхоҳ йигитлари. Тўхтағул ва Чибил бўлис қирғизлари эшон қўшинининг зарбдор таянчи бўлгани беҳуда эмас. Ҳозирда ҳам Олой нотинч.

Семён Духовской чорак аср муқаддам Скобелев тутган усулни қўллашга қарор қилди. У офицерларни Қурбонжон додхоҳни олиб келишга юборди.

87 ёшни қоралаган Қурбонжон додхоҳ генерал қароргоҳида отдан йигитлардек енгил сакраб тушди.

— Сизни бардам кўрганимдан ғоят хурсандман, дод хоҳ, — деди Духовской уни ўтиришга таклиф қиларкан,— сизни ранжитган генерал Вревский, генерал Повало-Швейковский император аъзамлари фармони олийлари билан ишдан четлатилишди. Сургундан озод этилган ўғлингиз Маҳмудбек ва набираларингиз Мирза Фаёз ва Арслонбекка эса мукофотлар топширишга ижозат бергайсиз.

Адъютант Қурбонжон додхоҳ билан келган йигитлар ва ҳатто ҳодимларни ҳам ташқарига чиқариб юборди. Сўнг Духовской Қурбонжон додхоҳга биринчи бўлиб қўл узатди.

— Сизни бардам кўрганимдан хурсандман, додхоҳ, — деди Куропаткин.

«Бу — Скобелев айтган сўзлар», деди ичида Жўрабек.

Ҳарбий вазир шоҳона безатилган дастурхонга ўтираркан, мамнун ҳолда қўлларини ишқалаб хитоб қилди:

— Тарих ғилдираги такрорланмоқда, жаноблар, Чодир, додхоҳ, тилмоч ҳам ўша-ўша.

Генераллар базми қизиб кетди. Куропаткин жуда назокатли улфат эди. Унинг ичиши, газаги ҳам ёқимли, иштаҳани очирадиган эди.

Қизишиб олган меҳмонлар вазирдан подшо саройидаги зиёфатлар, турли ҳангомалардан огоҳ бўлиб яйраб ўтиришарди. Суҳбат мавзуи мезбонга қадалганда Куропаткин қаҳ-қаҳ отиб кулди. Генераллар ҳам хандон ташлаб, бири олиб, бири қўйиб Қурбонжон ҳақидаги қизиқ воқеаларни гапиришди. Биргина Фарғона губернатори генерал-лейтенант Корольковнинг чиройи очилмаган.

— Бу туземкага шундай иззат-икромнинг не ҳожати бор? — деди у тўнғиллаб.

Ўртага тушган ноқулай сукутни ҳеч кимдан ҳайиқмайдиган чўрткесар Жўрабекнинг овози бузди.

— Бу жуда чуқур ўйланган сиёсий устамонлик, азизим. Вазири аъзам тарихни бежиз эслamаяптилар. Додхоҳга ҳурматлари орқасида нозик тадбиркорлик намоён.

— Жуда тўғри, — маъқуллаб бош иргади генерал-губернатор Николай Иванов ва Корольковга қараб гапида давом этди, — генерал Маматовани мансимаслик ўтмишдошингиз Повало-Швейковскийга жуда қимматга тушган.

— Шу жумладан ўлка тинчлигига ҳам — луқма ташлади генерал Ионов.

Генерал-адъютант Куропаткин ўрнидан туриб, виқор ила уларнинг фикрларига якун ясади.

— Императрица Мария Федоровна зоти олиялари менга лутфан Қурбонжон Маматовага мана шу совғани тақдим этишни буюрганлар.

Нафаси ичига тушиб кетган Корольков вазир қўлидаги қимматбаҳо гавҳар порлаётган узукка маҳлиё қотди.

Хайрлашув олдидан меҳмонлар елкаларига кимхоб заррин тўнлар ташланди.

— Тарих такрорланмоқда,— деди Жўрабек, — лекин бугал мезбон додхоҳ, тўн ташлаган Скобелев эмас, додхоҳ.

Куропаткин Қурбонжонга юзланиб, унинг қўлларига зодагонларча назокат ила лаб тегизди.

— Императрица зоти олияларига нима деб қўяй, бирор илтимосингиз борми?

—Маликага туҳфалари учун миннатдорчилигимни изҳор айланг. Бирдан-бир ўтинчим шулким, ул зот ҳеч қачон она сифатида фарзанд доғини кўрмасинлар.

Куропаткин бенихтиёр ичидан зил кетди. Демак, додхоҳ ҳеч нарсани унутмабди. Унутмайди ҳам.

Жўрабек ҳурмат ва эҳтиром ила Қурбонжонга қўлини кўксига қўйиб таъзим айлади. Бекнинг кўзларида поёнсиз меҳр ила фахр товланди...

Қурбонжон додхоҳ тилагига фаришталар омин деган экан. Императрица Мария Федоровна Романова фарзанд доғини кўрмади: у эри Николай II, уч қизи, ўғли Алексей қатори 1918 йили большевиклар ҳукми билан отиб ташланди.

Генерал-майор Жўрабек 1906 йилда Қорасувдаги чорбоғида номаълум қотиллар томонидан ўлдирилди.

Қурбонжон додхоҳ эса икки ўғли, икки қизи, 31 невара, 57 чевара ва олти эвараси даврасида 96 ёшида 1907 йилда вафот этди.

Генерал-адъютант Куропаткин 1903—1905 йилларда рус-япон урушида бош қўмондон, 1914—1916 йилларда Ғарбий фронт қўмондони, 1916—1917 йилларда Туркистон генерал-губернатори павозимида ишлаб, 1922 йилда рус қишлоқларидан бирида дунёдан кўз юмди.

Ҳамдам СОДИҚОВ,
Абдулла Авлоний мукофоти соҳиби.



ЎЗАРО ФИКР АЛМАШИЛДИ

● Кейинги пайтда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳақида сўз кетганда картошкачилик муаммолари ва уни ҳал этиш йўллари тез-тез тилга олинаётир. Жиззах вилоятида яшайдиган 850 мингдан зиёд аҳолининг картошкага бўлган эҳтиёжини қондириш учун йилига камида 38 минг тонна картошка етиштирилиши лозим.

Вилоят мева-сабзавот, узумчилик бирлашмасига қарашли хўжаликларда бу йил 810 гектар майдонда Голландия картошкаси етиштирилмоқда.

Шу бирлашмага қарашли Жиззах туманидаги Олтинсой ижара хўжалигида 50 гектар майдонга хорижий картошка уруғи экилган. Қ. Ровшанов бошлиқ бўлим ишчилари меҳр билан парваришлаётган экиннинг авжи баланд.

Мана шу хўжаликда яқинда голландияликлар тажрибаси асосида иш тутаётган деҳқонларнинг давра суҳбати ўтказилди. Вилоят ҳокими ўринбосари И. Умурзоқов, бирлашма бошлиғи Ҳ. Суюновлар иштирок этган суҳбат пайтида шу нарса маълум бўлдики, хориждан уруғлик олиб келиб экилгани билан Голландия технологияси ишлаб чиқаришга жорий этилди, юқори ҳосилга замин яратилди, деб ҳисоблашга ҳали эрта. Ҳозирча хорижнинг уруғлиги шароитга мослаштирилаётир. Ҳали уруғликни саралашдан тортиб уни сақлаш, экиш, қатор ораларига ишлов бериш, озиқлантириш, суғориш соҳаларида ўнлаб муаммолар бор.

Давра суҳбати иштирокчилари ўзаро фикр алмаша туриб, Голландия тажрибасини амалда жорий этиш бир йилдаёқ ҳал этиладиган вазифа эмаслигини қайд этдилар. Уни кенгроқ ёйиш, такомиллаштириш учун имкони борича оддий деҳқонларни Голландияга йўллаш, амалий малака орттиришларига шароит яратиш тўғрисида келишиб олдилар.

Б. РИЗАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Кейинги йилларда Ғаллаорол туманидаги «Кўкбулоқ» давлат хўжалигида одамларни иш билан таъминлаш учун ҳаракат қилинаётир. Яқингинада ташкил этилган «Озода» кичик корхонаси маҳсулотлари халқимизга манзур бўлмоқда. 15 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Эркаклар, хотин-қизлар кўйлаклари, болалар кийим-кечаклари, ҳар хил халатлар тайёрланмоқда. Айниқса, шу ернинг ўзидаги хом ашё, яъни қўй терисидан пўстинлар тикилаётгани қувончлидир. Ҳозир ҳар ойда 30 донадан пўстин тикилаётир.

СУРАТДА: (чапдан) цех бошлиғи Гулчеҳра Мухторова, Раим Эсонов ва Гулчеҳра Убайдуллаева.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

• Тадбиркорлар бор бўлсин

ҚАЛОВИНИ ТОПСАНГ...

Тоир аканинг бутун вужудидан ғайрат ёғилиб туради. Чаққон ва серҳаракатлиги учун ҳамиша ёш кўринади. Доимо хушчақчақ, ҳозиржавоб, каттага ҳам, кичикка ҳам бирдай. Ким билан бўлса, тил топади. Дунё кўрган, оқ-қорасининг фарқига боради. Бошига қилич келса ҳам тўғри гапиради. Албатта, бу феъли айримларга ёқмайди. Шундай бўлса-да, ишбилармон, уддабуронлиги туфайлигина уни тан олишади.

Яхшиси мисолларга мурожаат қилайлик. Бундан 4—5 йил олдин Нишон пахта тозалаш заводи ҳом ашё жўнатишдан бошқа нарсани билмасди... Тоир ака директор ўринбосари бўлиб ишга келгач, ёрдамчи хўжалик — ферма ташкил топди. Энди бу ердаги қўйлар, қорамоллар унчамунча совхозникидан қолишмайди. Ҳар ҳафтанинг сешанба куни завод ишчи-хизматчиларига 2 килограммдан арзон нархда гўшт сотилаётгани, кунда бепул сут берилаётгани ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди.

Биргина шу эмас. Ўтган йили деҳқончилик қилиниб, 45 тонна буғдой олиниб, одамларга 8 сўмдан сотилганди. Бу йил бултургидан 3—4 барвар кўп буғдой хирмони тикланди. Демак, жорий йилда ҳам ишчи-хизматчилар ғалла билан тўла таъминланишади. 3 гектар майдонга пиёз, 1 гектар ерга помидор, 3 гектар ерга қовун-тарвуз, ошкади, сабзи, турли кўкатлар экилган. Боғни айтмайсизми?! У ерда мева-чеванинг ҳамма хилидан бор. Заводдаги дўкондан ҳамиша лаззатга тўла ноз-неъматларни харид қилиш мумкин.

Тоир ака табиатан яратувчан одам. Мияси тўла ўй фикрлар. Мудом «Уни қилиш керак, буни кўрмаса бўлмайди» деган ташвишлар билан яшайди. Қисқа фурсатда 100 бошга мўлжалланган молхона, бузоқхона қурилиб, атрофи ўраб олинди. Озуқа етиштириш учун янги ер ўзлаштирилди. Шу тариқа чорвачилик, деҳқончиликни ривожлантириш мумкин бўляпти.

Айни пайтда Тоир ака жувоз қурдириш учун елиб-югуриб юрибди.

— Уруғчилик учун зиғир ҳам олиб кўйдим, — дейди у суҳбат чоғида мамнуният билан. — Келаси йил худо хоҳласа зиғир ҳам ўзимиздан чиқади. Ўзингда бўлса, яхши-да.

Ўтган йили деҳқончилик, чорвачилик соҳасида 220 минг сўм фойда кўрилди. Бу йил фойданинг 2—3 миллиондан ошиши кутилмоқда. Энг муҳими дон, гўшт, ёғ, мева-чева ўзларидан чиқяпти. Шу туфайли бирор нарсадан зориқиш йўқ.

Қани эди ҳамма ҳам Тоир Бадриддиновдек ўз ишини виждонан адо этса. Шунда истиқлол берган имкониятлардан тўла фойдаланиш мумкин бўларди. Эзгу режалар тезроқ амалга ошарди. Одамларнинг ҳам эртанги кунга ишончи ортади. Тоир ака буни яхши тушунади. Шунинг учун ҳам ХДП аъзоси сифатида аввало ўзи жон куйдиради. Молбоқарлар Иноқ Йўлдошев, Бахтиёр Рўзиев, боғбон Умар Шерғозиев, дала бригадири Қўйли Аслонов, далада ишловчи ота-бола Сафар ва Ҳамид Худойшукуровлар, ферма мудири Шароф Тангриевлар ҳам Тоир акадан ибрат, намуна олишади.

Нарзулла РАВШАНОВ,
Исмоил АМИРҚУЛОВ.

МИНЕРАЛ СУВ КЎПАЙЯПТИ—Ю, ЛЕКИН...

Фарғона минерал сув ишлаб чиқариш корхонаси меҳнат аҳлининг фаолиятини алоҳида эътибор билан тилга олиш жоиз. Жамоа ҳар куни режадан ташқари 22—24 минг шиша чанқовбосди ичимликлари ишлаб чиқараяпти.

Жумладан, минерал сув олган кўпчилик ташкилот ва муассасалар бўшаган шишаларни ўз вақтида корхонага етказиб бермаслиги натижасида цехлар баъзида соатлаб тўхтаб қолади. Биргина ўтган йилнинг ўзида 18 миллион дона шиша ўз эгасига қайтиб келмаган. Бу эса ишлаб чиқариш самарадорлигининг янада ўсишига тўғаноқ бўлмоқда. Жорий йилнинг ўзида вилоят савдо бошқармаси ярим миллион, умумий овқатланиш бошқармаси эса 400 мингдан кўпроқ шишаларни корхонага қайтармасдан Қўқон арақ заводига бериб юборганлигини нима билан изоҳлайсиз?!

— Устига устак текширувчилар, тафтишчиларнинг кун ора корхонага келиши оқибатида 45 кун иш куни йўқотилди, — дейди цех бошлиғи Азамат Султонов. Бу албатта, ишчилар маошининг камайиб кетишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Умид қиламизки, Фарғона вилоят ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотлар ушбу масала хусусида тегишли чора ва тадбирларни кўрадилар.

Т. ҲАМИДОВ,
Фарғона вилояти.

• Божхонада нима гап?

НОПОКЛИК ЙЎЛИ ТЎСИЛЯПТИ

Онда-сонда Қаршн шаҳар кўчаларида бидон кўтарган одамларга дуч келамиз. Улар республикадан ташқарига маҳсулот олиб чиқиб кетаётганларида сирларн фош бўляпти. Ана шулар ҳақида сўзлаб беришни Қашқадарё вилояти божхона бошқармаси бошлиғи, ички хизмат полковниги Тошпўлат ОДИЛОВдан илтимос қилдик.

— Бошқармамиз вилоят иқтисодиётини мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётганлиги таъкидланмоқда, — деди у. — Айниқса, бошқарма ходимлари иқтисодий танглик кучайган ва айрим халқ истеъмоли молларининг тақчиллиги сезилиб қолган ҳозирги шароитда аҳоли манфаати йўлида дадил ҳаракатлар қилишмоқда.

Ходимларимиз шу йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида республикамиздан товар-моддий бойликларни четга олиб чиқиб кетишга уринилган 237 та фактни аниқлашди ва уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳуқуқбузарлик кодексининг 166-модда 2-банди бўйича маъмурий материал тўплашди. 236 нафар кишига 1 миллион 270 минг 700 сўмлик жарима солинди. Ушбу фактларнинг кўпчилиги озиқ-овқат маҳсулотларига тегишлидир. Ҳар куни 100 литрлаб пахта ёғини республикамиздан ташқарига олиб чиқиб кетишнинг олди олинмоқда. Бу маҳсулотлар асосан Косон тумани ва Қарши шаҳри бозорларида қўшни республикалардан келган фуқароларга сотилмоқда. Ходимларимиз томонидан 3 минг килограмм пахта ёғи ҳамда 2 минг килограммга яқин сариёғ ташқарига чиқиб кетишдан сақлаб қолинди.

Фактларга мурожаат қиламиз: Қарши шаҳар «Пахтазор» митти районидаги 60-уйининг 5-хонадонида яшовчи Пахай Цазаев Махачқалъа шаҳрида яшовчи қизи Луизанинг номига ҳар бири 20 килограммдан 70 қути сариёғ, биринчи навн ва шунга ўхшаш ҳозирги нархда 3 миллион 180 минг 175 сўмлик товар-моддий бойликларни контейнерга жойлаб, республикамиздан ташқарига олиб чиқиб кетаётганида божхона ходимлари томонидан ушланди. Ноқонуний олиб кетилаётган бу маҳсулотлар давлат фойдасига мусодара қилинди.

Тожикистон Республикаси Оржоникидзе туманидаги Тельман номли давлат хўжалигининг Ичоқ қишлоғида яшовчи Файзулла Исматов 114 килограмм, яъни 19 минг 500 сўмлик зиғир ёғини олиб кетаётганида божхона хизмати старшинаси Парда Келдиёров томонидан ушланди ва давлат фойдасига мусодара қилинди. Фуқаро Ф. Исматовга 5 минг сўм миқдорида жарима солинди.

Тожикистон Республикасининг Яван туманидаги Дагана қишлоғида яшовчи Абдулла Воҳидов Косон тумани бозоридан 130 килограмм пахта ёғини олиб кетаман деганди, бўлмади. Унинг йўли тўсилди. Бу борада бошқарманинг 5-ҳаракатдаги ходимлари жонбозлик кўрсатишди, олиб чиқиб кетилаётган пахта ёғи давлат ҳисобига мусодара қилиниб, айбдордан 6 минг сўм жарима ундирилди. Шу республиканинг Оржоникидзе туманидаги «Партия XXII съезди» колхозида яшовчи Садриддин Камоловнинг қувончи узоққа чўзилмади. У 100 килограмм пахта ёғини Косон туманидаги Шахали қўрғончасидан ўтадиган «Душанбе—Москва» поездида олиб кетмоқчи бўлганда божхона хизмати сержанти Неъмат Тўраев томонидан тўхтатилди. Ноқонуний ҳаракати учун С. Камолов жарима тўлашга мажбур бўлди.

Ажабо? Ёғларни республикамиздан ташқарига олиб чиқиб кетаётган қонунбузарлар аниқланяпти-ю нопоклик билан шуғулланаётган таъминотчилар қўлга тушмаяпти?

Хўш, бу маҳсулотлар қаердан ва қандай одамлар қўлида пайдо бўляпти? Нима, Қашқадарёда ёғ кони борми? Тўғри, вилоятда Косон ва Қарши ёғ экстракция заводлари фаолият кўрсатаяпти. Ўнлаб, юзлаб озиқ-овқат дўконлари бор. Ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек, меъёрдаги молларни сотишда белгиланганидан бир қисмини уриб қолиб, чайқовчилик қилаётганлар ҳам учрайди.

Барибир, четга ёғ ташийдиганларни таъминловчи нопок шахслар маъмурий органлар томонидан қўлга олиниши керак. Бу божхона ходимларининг ҳам галдаги муҳим вазифасидир.

Мусо КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• «Одобнома» саҳифаларида

Қўлимизда — «Одобнома»нинг учта китоби. Уларни Тошкент молия институтининг домласи Мусақул Усмонов ижод қилган. «Шукроналик билан шуни алоҳида қайд қилгим келадики, — деб ёзади у, — менимча, маромига ва қиёмига етган «Одобнома»нинг биринчи қисми жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди. Ушбу ҳолат уни давом эттиришни тезлаштириб юборди».

Оламнинг безаги — одамзотнинг ҳаётдаги ўрни ҳақида ғоятда мароқли ҳикоя қилинган «Одобнома» дан биз кўп нарса оламиз. Уни ўзига хос инсонийлик гулдастаси. деб аташ мумкин. «Одобнома»ни ўқиб, инсоннинг серқирра фазилатлари, яхши ҳулқи ҳақида юракдан куйланган мадҳияга дуч келасан, киши! Инсоннинг қадр-қимматини юқори кўтариш, инсон қадрини чуқур англамоқ ва уни покиза сақламоқ учун нималарга эътиборни қаратиш зарурлигини англаб оласиз. Жумладан, «Инсон қадри» бобида муаллиф шундай ёзади: «Яхши ном қолдиришдан ўтадигани йўқ, бу номни эса ҳеч нарса қадр-қимматчилик мустаҳкам қилиб яратмайди» (Вовенарг). Аввало инсон ўз қадрини билмоғи, англамоғи керак. Бунинг маъноси шуки, одамлар ичида ижобий фазилатларга риоя қилиб юрилса, бошқаларнинг ҳурматини жойига қўйиб, нопокликдан йироқ юрилса, қадр-қиммат келаверади.... Одамларнинг қадр-қиммати осмондан тушмас экан, уни ўша соҳибнинг ўзи мисқоллаб йиллар давомида йиғар экан. Шунинг учун ҳар бир киши ўша машаққат билан вужудга келтирган қадрини авайлаши керак... Ўз қадрини билмаслик, унинг баҳосини тушунмаслик жуда кўп ноҳушликларга олиб келади... Қадр-қимматни асрашлик — бу инсонийликни асрашликдир».

Муаллиф «Ота-она қадри», «Фарзандлик бурчи», «Аёлга таъзим», «Қари бор уйнинг зари бор», «Ота рози—худо рози», «Устоз отангдан улуғ», «Ака-укалар бурчи», «Қиз одоби», «Келинли уй —суюкли уй» сингари бобларда бу фикрларини ҳаётий мисоллар билан янада бойитади.

«Кечирган узр»даги мана бу сўзларга эътибор беринг-а: «Донолардан бири: «Тош олиб югурганга, ош олиб югур», деб бежиз айтмаган-да, ахир». Донишмандлардан бирига: «Инсоннинг энг ёмон ҳолати қачон бўлади?» деб савол берганларида, «Ўзини тута билмай қолган пайтида» деб жавоб берган экан.

«Аждодлар мулкига таъзим» бобида машҳур олим Ҳабиб Абдуллаев ҳақида муаллиф шундай ёзади: «Ҳабиб Абдуллаев бор-йўғи

ОЛАМ АРО ОДАМ АЗИЗ

«Одобнома»нинг иккинчи китоби «Яхши фазилат инсонга зийнат» деб аталган. Унда инсоний фазилатлар ҳақида фикр юритилади. «Ширин сўз — олтиндан аъло» бобига Э. Жирардендан шундай сўзлар эпиграф қилиб келтирилади: «Сўзнинг кучи беҳаддир. Чекинаётган қўшинни тўхтатиш, мағлубиятни зафарга айлантириш ва мамлакатни қутқариб қолиш учун гоҳо ўринли айтилган биргина сўз ҳам кифоя бўлган». Ёки 50 йил умр кўрди. У халқига, дунё фанига ҳали кўп нарса бериши мумкин эди. Лекин, афсус Ҳабиб Абдуллаев бошқа қайтиб келмайди...

Биз «Одобнома»нинг барча бобларидан кўчирма келтиришимиз мумкин. Яхшиси, муаллиф ҳақида икки оғиз сўз юритайлик. Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманидаги «Қалқма» қишлоғида таваллуд топган Мусақул Усмоновнинг ёшлиги Улуғ Ватан урушидан кейинги йилларга тўғри келди. Унинг отаси ўқий олмаганлигидан доимо ўкинар эди. Шунинг учун ҳам у болалари, айниқса бош фарзанди Мусақулнинг ўқимишли бўлиб вояга етишини жуда-жуда хоҳларди. 1969 йили Республика олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Мусақулни кенжа олийгоҳлардан бири — Тошкент вилоят педагогика институтига йўлланма билан ишга юборади. Кейинчалик эса Тошкент халқ хўжалиги институтида меҳнат фаолиятини давом эттирди. «Одобнома»нинг инсон қалбига яқин, ўқимишли ва жозибали чиқишида муаллифнинг бой ҳаётий тажрибага эгалиги, билимдонлиги асқотган. Айниқса, «Одобнома»нинг учинчи—«Қусурлар қасри» китоби билан танишган ўқувчи ундан кўпгина ибратли нарсаларни ўрганади. Бу китобда айрим инсонлардаги мунофиқлик, иккиюзламачилик, ичбуғарлик, такаббурлик, пасткашлик, эзмалик, айирмачилик, қаллоблик ва бошқа иллатлар ҳақида жонли ҳикоя қилинади. У қайси мавзуни қаламга олмасин, у ҳақда оз ва соз ёзишга эътиборини қаратган. Аввалларн ҳаммага маълум бўлган сийқа гаплардан воз кечишга, одобнинг янги жилваларини топишга интилган. Инсондаги ҳар бир фазилатга ҳам, қусурга ҳам муаллиф ғоятда ишонарли мисоллар келтирганки, бу шубҳасиз, ёшлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатиши аниқ.

Ҳамид ИКРОМОВ.

ИНСОФ САРИ БАРАКА!

Осиё бозори

№ 39

1993 йил 9 октябрь


"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" ГАЗЕТАСИНИНГ АХБОРОТ-ТИЖОРАТ ИЛОВАСИ

ТАБИИЙ ГАЗ БОСИМИНИ ПАСАЙТИРИШНИ ИСТАЙСИЗМИ? МАРҲАМАТ!

ТОШКЕНТдаги савдо-тижорат ишлаб чиқариш фирмаси — «ФЕНИКС» хизматидан фойдаланинг. Фирма табиий газнинг юқори ва ўрта босимини пасайтирувчи «ГРПШ-400» мосламаларини сотади.

МУРОЖААТ УЧУН

телефонлар: 90-52-77
98-46-61.



«ИЗОТОП» ХИЗМАТИНГИЗДА

Тадбиркорлар ҳузурида

Ҳозирги кунга келиб атом қувватидан тинч мақсадларда фойдаланиш инсон фаолиятининг кўплаб жабҳаларида муҳим омил касб этмоқда.

Тошкент жумҳуриятлараро «Изотоп» корхонаси жамоаси ана шундай ишга бел боғлаган. Мазкур корхона радиоизотоп маҳсулотлари, кишилар учун ҳимоя техникаси, ядровий-физикавий тадқиқотлар учун асбоб-ускуналар, ионлашган нурланиш воситаларн бўйича Ўрта Осиё ва Қозоғистон минтақасида бош таъминотчи бўлиб қолди.

Мана ўттиз йилдан ошибдики, корхона ўзига хос бу маҳсулотларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва етказиб бериш билан шуғулланиб келмоқда. Шу давр мобайнида четдан келтирилган маҳсулот ва юкларни қайта ишловчи бақувват база ташкил топди. Бутун Марказий Осиё минтақасидаги истеъмолчилар билан мустаҳкам алоқа йўлга қўйилди. Негаки, радионуклидли ионлашган нурланишли манбалардан фойдаланиш кўп қиррали бўлиб, улардан газ ҳолатида, суюлтирилган ҳолда турли даражали ҳароратда ишлаш имкониятлари қидириб топилди.

Бугунги кунга келиб тиббиёт атом қувватининг ва биринчи навбатда радиоактив изотоплар манбаларининг истеъмолчиси ҳамда қадрига етувчисига айланган. Улар асосида катта миқдордаги тиббий дори-дармонлар яратилди, мураккаб нишонли бирикмалар синтез қилинди, коллоидли радиоактив эритмалар ҳамда ҳар хил физик—кимёвий ва биологик хоссаларга эга бўлган суспензиялар ихтиро қилинди. Айнан турли хил радиоактив изотоплар ва препаратларнинг пайдо бўлиши тиббиётда янги тармоқни—радиоизотоп ташҳисини яратиш, радиоактивли дори-дармонларни марказлаштирилган тарзда етказиб бериш ва келтириш имконини берди. Бундан ташқари, бу ерда амалга оширилаётган радиоиммунологик микроанализ: эндокрин, онкологик, кардиологик ва бошқа юқумли касалликларни аниқлашда дастлабки ташҳис қилиш учун фойдаланилмоқда. Шунингдек, даволаш самарадорлигини назорат қилишда ғоят муҳимдир.

Тадқиқотлар учун ноёб восита бўлиб қолган радионуклид индикаторлар усулн илмий-тадқиқот ишларида кенг оммавийлик касб этади. Ана шу усул ёрдамида фойдали қазилмаларни излаб топиш ҳамда қазиб чиқаришда, металлшунослик, металлургия, машинасозлик, кимё, молекуляр биологияда ғоят юқори натижаларга эришилди.

МДҲ мамлакатларидан олинаётган дори-дармонлар катта машаққат билан истеъмолчиларга, даволанишга муҳтож бўлган касалларга етказиб берилаётир. Қийинчиликлар ва муаммолар ҳозирги кунгача кўп бўлишига қарамай, корхона жамоаси янги дори-дармонлар тайёрлаш, касалликларнинг бошланишидаёқ унинг нималигини тўғри аниқлаб, беморларнинг оёққа туришида тиббиётга жуда катта ёрдам бермоқда.

Жамоа кўп миллатли, аҳил. Ҳозирги мураккаб шароитларда, тартиб ва қоидалар тез-тез ўзгариб турган бир вақтда корхона ходимлари ўз мажбуриятларини бажарибгина қолмай, Белорусь, Тожикистон, Қозоғистон ва Россиядаги ишлаб чиқариш корхоналари билан узвий алоқаларни сақлаб қолишга эришмоқдалар.

Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



СУРАТЛАРДА: «Изотоп» биносининг олд кўриниши; корхона бошлиғи Н. В. Степанов мижозни янги ускуналар билан таништирмоқда.

ОЗУҚАНИ ТЕЖАГАН ҲОЛДА КЎП ГЎШТ ВА СУТ ОЛИНГ!

MIKREL®

MIKREL®

"ДЕНИС" қўшма корхонаси (Ўзбекистон, Россия, Дания қироллиги) томонидан кўп мақсадли "МИКРЕЛ" премикси ишлаб чиқарилмоқда. У қишлоқ хўжалик ҳайвонлари, паррандалар ва мўйнали ҳайвонларни боқиш, кўпайтириш ва сақлашда юксак натижаларга эришиш учун зарур витаминлар, аминокислоталар ва минерал моддалар аралашмасидир.

Мазкур премикс ўз сифат кўрсаткичлари жиҳатидан хорижий фирмалар чиқараётган шу турдаги премикслардан юқори туради.

Ушбу премикснинг яна бир хусусияти шундаки, у стерилдир, яъни микроблардан холидир. Бу эса пиво ачитқиси, гўшт-суяк уни, қаймоғи олинмаган сут ўриндоши каби тўлдиргичларнинг жуда узоқ муддат сақланишини таъминлайди. Бу эса иссиқ иқлим шароитларида айниқса муҳимдир.

МИКРЭЛ У премикси *(йирик қора моллар, бузоқлар, қуйлар учун)*

Озуқага эҳтиёжни 20% га камайтиради.
- ҳайвонлар касалланишининг олдини олади; - вазнни 20% га оширади;
- сут ишлаб чиқаришни кўпайтиришга таъсир ўтказади.

МИКРЭЛ А премикси *(паррандалар учун)*

Жўжалар очиришни 4% га яхшилайди.
- минг дона тухум ишлаб чиқаришга кетадиган озуқа сарфини 15-20% га камайтиради, вазнни 15-17% га оширади; - озуқадан фойдаланишни яхшилайди.

МИКРЭЛ С премикси *(тулкилар ва қора кузанлар учун)*

Урғочилар серпуштлиги ошишини таъминлайди.
- ҳайвонларнинг нобуд бўлишини камайтиради; - ёш ҳайвонларнинг тўғри ривожланишини таъминлайди; - тук қопламаси зичлигини яхшилайди;
- мўйна майинлигини ва тук эластиклигини оширади.

МИКРЭЛ премикси *(чўчқалар учун)*
Озуқадан фойдаланишни 10-15% га яхшилайди.
- вазнни 10-15% га оширади.

Мазкур премикс давлат патент экспертизаси бутуниттифоқ илмий-тадқиқот институти томонидан рўйхатга олинган. Рўйхат рақами 489438/15.
Ўзбекистон Республикаси Бош ветеринария бошқармаси томонидан 1993 йил 8 июнда қўлланишга рухсат этилган.
Харид масалалари буйича қуйидаги манзилгоҳга мурожаат этиш мумкин:
700076, Тошкент шаҳар, Березовий берк кўчаси, 25.
Алоқа учун телефонлар:91-33-19 (соат 15 дан кейин); 91-18-36; 91-65-57.
Ўзбекистон Республикасининг давлат ташкилотлари харид этишда имтиёзларга эга.

ЎЗБЕКИСТОН "ЭТАЛОН" ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

саноат корхоналари, жамоа ва давлат хўжаликлари,ўқув юртлари ва барча метрология хизматлари раҳбарларига шуни маълум қиладики, бирлашма заводлари оғирлик ўлчовлари, радиоўлчовлар, электрўлчовлар, сарф,ҳарорат, босим ўлчов асбоблари, материалларнинг механик хусусиятлари, физик-кимёвий катталиклар, мой-бензин тақсимлаш колонкалари ўлчов асбобларини таъмирлаш бўйича 1994 йилга шартномаларни тузишга киришди.

Шартнома тузишдан манфаатдор ташкилотлар бирлашма заводлари ва филиалларига ёзма равишда мурожаат этиб таъмирланадиган ўлчов воситалари рўйхатини тақдим этишлари керак. Рўйхатда асбоблар номи, сони ва қачон таъмирланиши кўрсатилиши лозим.

Заводлар ва филиалларнинг қуйидаги участкаларида ўлчов воситаларини таъмирлаш учун шартномани тузиш мумкин:

1. Тошкент шаҳри, Губкин кўчаси, 1 "А". Телефон 67-52-04.
2. Чирчиқ шаҳри, Совет кўчаси, 4 "А". Телефон 63-621.
3. Янгийўл шаҳри, Мопра кўчаси, 9. Телефон 73-744.
4. Гулистон шаҳри, Короленко кўчаси, 11. Телефон 22-311.
5. Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 253. Телефон 70-737.
6. Нукус шаҳри, Горький кўчаси, 1 "А". Телефон 24-216.
7. Урганч шаҳри, Хонка кўчаси, 66. Телефон 55-339.
8. Бухоро шаҳри, Киров кўчаси, 39. Телефон 37-805.
9. Андижон шаҳри, Бозор кўчаси, 4. Телефон 59-793.
10. Наманган шаҳри, Зарабулоқ, 3-берк кўчаси. Телефон 65-974.
11. Фарғона шаҳри, Қосим Раҳимов кўчаси, 97. Телефон 44-112.
12. Қўқон шаҳри, Ленинобод кўчаси, 80. Телефон 22-698.

«ЗИНГЕР»

«АҚАТЕКС» ТЕКСТИЛСАНОАТ ВА ТИЖОРАТ ЛТД ЎЗБЕК—ТУРК ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Сизнинг хизматингизга дунёга машҳур бўлган тикув ва тўқув машиналарини таклиф этади:

- Тўқув машинаси — Зингер КМ 610
- Тикув машинаси — Зингер супер у окназ
- Тикув машинаси — Зингер феличита
- Пресс дазмбли
- Оверлок 3 ва 5 ипли

Сизда биз билан ҳеч қандай қийинчиликлар бўлмайди!

Ўзбек, турк, инглиз тиллари ва компьютерни билувчи КОТИБАни, камида беш йил иш стажли БОШ БУХГАЛТЕРни, тўқув ва тикув машиналари бўйича МУҲАНДИС-ТЕХНОЛОГни

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри, Маяковский кўчаси, 6-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: 68-84-80, 68-24-18.

Факс: (3712) 68-86-39.

ТАШКИЛОТ

ганчдан ясалган бадиий буюмларни, эсдалик совғаларини, мактаб ўқув кўлланмалари макетларини, биноскорлик ганчкорлик буюмларини (шипона, майший) сотади.

Шунингдек, якка тартибдаги буюртма бўйича (буюртмачи чизмалари асосида) ишлаймиз. Формопласт билан ишлаш.

Сотув - Нақд ва пул ўтказиш йўли билан

Ганчкорлик элементларидан фойдаланган ҳолда сифатли таъмирлаш ишларини бажарувчи малакали бригада хизматидан ҳам фойдаланишингиз мумкин.

МАНЗИЛГОҲ: 700060, Тошкент шаҳри "Соларские ключи" кўчаси, 8. (мўлжал: Шимолий вокзал, Локомотив музейи, транспорт прокуратураси ҳовлисида).

Телефонлар: 99-79-19, 54-69-87.

ЖАРҚЎРҒОН ШАҲРИДА

БИРИНЧИ МАРТА!

«ЖЎРА» ФИРМАСИ

ХАЙРИЯ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИНИ ЎТКАЗАДИ

Бор-йўғи 50 сўмга билет олиб:

Автомашина, совутгич, телевизор, видео ва аудио аппаратура, гилам, пайпос соҳиби бўлишингиз, 1000 сўмдан 1000000 сўмгача пул ютуғи ютишингиз мумкин.

Имкониятингизни бой бермангі «ЖЎРА» лотереяси билетларини сотиб олинг.

ОМАД СИЗГА ЁР БЎЛСИН!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ

АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1993 йил 6 октябрдан Республика ҳудудида сўмга нисбатан чет эл валютасининг қуйидаги курси ўрнатилганлигини хабар қилади.

1 Австралия доллари	758 сўм 93 тийин
1 Австрия шиллинги	103 сўм 03 тийин
1 Англия фунт стерлинги	1779 сўм 44 тийин
10 Бельгия франки	334 сўм 86 тийин
1 Немис маркаси	724 сўм 61 тийин
1 Голланд гульдени	645 сўм 00 тийин
1 Дания кроні	178 сўм 96 тийин
100 Италия лираси	73 сўм 90 тийин
1 Канада доллари	877 сўм 34 тийин
1 Норвегия кроні	165 сўм 63 тийин
1 АҚШ доллари	1173 сўм 00 тийин
1 Финляндия маркаси	202 сўм 68 тийин
1 Француз франки	207 сўм 32 тийин
1 Швед кроні	145 сўм 59 тийин
1 Швейцария франки	828 сўм 98 тийин
10 Япония иени	111 сўм 40 тийин
1 ЭКЮ	1371 сўм 59 тийин
10 Испан песети	89 сўм 82 тийин
10 Греция драхми	50 сўм 17 тийин
1 Ирландия фунти	1694 сўм 52 тийин
1 Исландия кроні	16 сўм 80 тийин
1 Қувайт динори	3934 сўм 66 тийин
10 Ливан фунти	6 сўм 82 тийин
10 Португалия эскудоси	70 сўм 32 тийин
1 Сингапур доллари	742 сўм 59 тийин
10 Туркия лираси	0 сўм 96 тийин
1 СДР	1656 сўм 41 тийин

ЭСИРГАПНИНГ ЗАВОДИ

Зарбдор туманидаги «Ниҳол» мева кўчатчилик хўжалигида консерва заводи иш бошлади. Ҳозирча йилига 3 миллион шартли банка ҳажмида мева, сабзавот консервалаш қувватига эга бўлган бу корхона юз фоиз хўжаликнинг ички имкониятлари ва маблағи ҳисобига барпо этилди. Дастлабки кунларданоқ эл орасида «Эсиргапнинг заводи» деб ном олди.

Боиси шундаки, «Ниҳол» Эсиргап Қодирқулов раҳбар бўлиб келгандан сўнг, чин маънодаги самарадор хўжаликка айланди. Барча соҳалар соф фойда бера бошлади.

— Хўжалигимиз асосан кўчатчиликка ихтисослашгани учун ҳажман кичкина, — дейди Э. Қодирқулов. — Бугунги кунда халқни фақат кўчат, пахта, ҳамда сабзавотдан келадиган даромад билан боқиб бўлмайди. Жамоамиз билан маслаҳатлашиб завод қуришга қарор қилдик. Ҳисоб-китоб қилсак, ҳозирги шароитда ўз кучимиз билан росмана заводни тиклашга қурбимиз етмайди. Яқинимизда вилоят ташкилотларидан бири бошлаган, кейинчалик собиқ Иттифоқ тарқагандан сўнг эҳтиёж қолмаган иншоот қурилиши тўхтатиб қўйилган эди. Шуни сотиб олдик. Тожикистоннинг Конибодом шаҳридаги мева-консерва комбинати билан гаплашсак, бажонидил ёрдам берадиган бўлишди.

Келгусида йилига 10 миллион шартли банка чиқарадиган заводни узлуксиз таъминлашга хўжаликнинг қуввати етадими? — деган саволимизга Э. Қодирқулов шундай жавоб қилди:

— Ёнимизда йирик сабзавотчилик хўжалиги бор. Бир тарафимизда эса «Олтинсой» давлат хўжалигининг боғлари бор. Катта Ўзбекистон йўлининг ёқасидамиз. Чўл бағрида яна янги хўжаликлар пайдо бўлаётир. Демак, корхонамизнинг қувватини ҳали кенгайтирамиз.

Бахтиёр РИЗАЕВ.

МУАССИСЛАР:
«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ВА «ОСИЁ БОЗОРИ» ГАЗЕТАЛАРИ ИЖОДИЙ ЖАМОАЛАРИ.

Нашр учун масъул:
Тўхтамурод ТОШЕВ.

Ҳафтада бир марта чиқади.

«Осиё бозори» Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган. Гувоҳнома № 000176.

Эълон ва билдирувлар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан қабул қилинади.

ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент шаҳри, ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32, 3-қават, 346- 344-хоналар.

ИНДЕКС: 75487.

Ҳафталик кўрсатувлар

Душанба, 11. X

● ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Семурғ— бахт қуши». Телефильм.
18.25 «Ёшлик» студияси. «Балоғат ёшида».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Фарғонанинг мовий халқаси». Телефильм.
19.35 «Келажак бугундан бошланади...». Хоразм вилоятидан кўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Гулбаҳор Эркулова куйлайди.
21.50 Шароф Бошбеков. «Эшик қоққан ким ўзи!». Телеспектакль.
23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Ассалому алайкум» (такрор.).
20.20 «Узум нави». Телефильм.
20.30 Бизнинг суҳбат.
21.10 «Билиб қўйган яхши».
21.30 «Миришкорлар».
22.10 «Сиртлон ҳақида қисса». Ҳужжатли фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Тинглангг, томоша қилинг».
9.40 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телесериал премьераси.
10.10 Опа-сингил Литвиненколар куйлайди.
10.35 «Мавзу».
11.20 Болалар телевидениеси уюшмаси таништиради...
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Гол».
12.50 Жаҳон халқлари ижоди.

* * *

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 Болалар телевидениеси уюшмаси таништиради...
16.50 «Ва яна халқаро телевизион анжуман».
17.20 «Иқболи кулганда».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Москва «Гжель» театр-шоу артистлари рақсга тушадилар.
18.55 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
19.00 «Гол».
19.35 «Ҳафтанинг акс садоси».
20.05 «Қандай қилиб бой бўлиш мумкин?». Телеўйин.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телесериал премьераси.
21.55 «Спорт унк-энди».
«Янги студия» таништиради:
22.10 «Монтаж».
22.35 «Қинғир-қийшиқ эфир».
23.05 «Бомонд».
23.35 «Видеоасс».
23.55 «Мен».
00.35 «Монтаж» (давоми).
00.55 «ТВ-Х».
Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 «Талаб қилинади...».
8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.00 «Россияда бизнес».
9.30 «Мутлақо махфий».
10.25 Мульти-пульти.
10.35 «Юлдузлар ёғилганда».
11.35 «Услуб».
12.05 Хонаки экран. «Капуцинлар хиёбонидаги киши». Бадиий фильм.
13.40 «Деҳқонларга таалуқли масала».
14.05 Киноқиссалар. «Оддий муҳаббат». Бадиий фильм.
15.35 «Испанияга қуш парвозидаги масофадан назар ташлаганда». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.
16.05 «Бола тилидан».
16.35 Янгиликлар.
16.50 Телегазета.
16.55 «Трансросэфир».
17.30 «Мансаб алифбоси».
17.45 «М-трест».

*

18.00—20.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.20 Душанба куни детектив. «Лақи страйк» таништиради. «Поль Таглиянинг тушлари». Бадиий фильм. «Криминал ҳодисалар» сериалидан.
21.15 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.
21.45 Спорт кўрсатуви.

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 Криминал хабарлар экрани.
22.35 «Сумо Достало». Бадиий фильм (Япония).

Сешанба, 12. X

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 Лирик концерт.
7.50 «Асалари бўлган экан». Мультфильм.
8.05 Мутахассис маслаҳати.
8.15 «Қувноқ болалар».
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

*

9.00 «Бировнинг хати». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Математика. Мусбат ва манфий сонлар. Улар устида амаллар.
11.00 «Она-юрт тароналари». Телефильм.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика. Электрон ҳисоблаш машиналари билан ишлаш.

* * *

16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Сўғдиёна» (Жиззах). «Пахтакор» Марказий ўйингоҳидан олиб кўрсатилади.
Танаффус пайтида — «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.50 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Хирмонингизга барака!».
19.55 Дунё воқеалари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар.
21.10 Эстрада концерти.
21.40 «Катта имкониятлар мамлакати».
22.10 «Хотира». Абдулла Қодирий.
23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
20.10 «Халқ саломатлиги йўлида».
«ОМАД таништиради.
21.10 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20, 00,35 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Қувноқ нотачалар».
9.40 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.30 «Инсон ва қонун».
11.00 Мультфильм.
11.10 «440 герц».
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Сарсонлик-саргардонликда». Ўн уч серияли телевизион бадиий фильм. 8-серия.
13.40 «Хоним ташрифи». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
14.50 Мультфильм.
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Иш».
15.35 «Адам Смит бойлиги дунёси».
16.05 «Ён дафтар».
16.10 «Тедди Ракспиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.
16.40 «440 герц».
17.20 Москва халқаро автосалони.
17.50 «Технодром».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Ишонч ёрлиғи».
18.45 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
18.50 «Мулкдор алифбоси».
19.05 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.55 «Мавзу».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 Майя Плисецкая ижодий кечаси.
23.45 «Матбуот-экспресс».
24.00 Янгиликлар.
00.40 «Катта сайр».
01.25 «Олам дам олишда».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 «Талаб қилинади...».
8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.00 «Телевече».

* * *

12.00 Хонаки экран. «Йигитлар!» Бадиий фильм.
13.30 «Деҳқонларга таалуқли масала».
13.55 Мульти-пульти.
14.05 Киноқиссалар. «Тақдир». Бадиий фильм. 1-серия.
15.40 «Сиз яратган боғ».
16.10 «Рост» студияси. «15 ёшли капитан».
16.40 Янгиликлар.
16.55 «Ватаним менинг».

*

18.00—20.40
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.40 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 230-серия.
21.30 Миллий сиёсат хроникаси. «Биродарликдан муқаддас туйғу йўқ».
21.50 Катталар учун мультфильм.

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 «Асил ҳолича».
23.30 Мусиқий кўрсатув.
00.30 «Санкт-Петербург балети».

Чоршанба, 13. X

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 Севги тароналари.
7.50 «Бўй ўстирувчи дармон дори». Мультфильм.
7.55 Дунё воқеалари.
8.10 «Билиб қўйган яхши».
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

*

9.00 Республика газеталарининг шарҳи.
9.10 «Унинг қайлиғиман». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика. Электромагнит тебранишлар.
11.00 «Тандир, олов, арча...». Телефильм.
11.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
11.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи. Ўзбекистонда XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида маданият.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Аждодлар мероси — хазина». Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланади.
18.45 «Шеърият дафтаридан».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Ток новдаси». Телефильм.
19.40 Куйлардан қўшиқларга.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Ҳуқуқий давлат сари».
21.30 Туркияда Ўзбекистон маданияти ва санъати кунлари.
22.30 «Ёр-ёр шайдоси». «Ўзкинохроника» премьераси.
23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Шарқ лирикаси». Саккокий.
19.50 «Спринт».
20.15 Шаҳар юмушлари.
21.15 «Иқтисодчилар мактаби».
21.55 «Кечиккан муҳаббат». Қисқа метражли бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 Мультфильм.
9.40 «Қарға».
9.50 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.40 «Савдо кўприги».
11.10 «Рок-сабоқ».
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Сарсонлик-саргардонликда». Ўн уч серияли телевизион бадиий фильм. 9-серия.
12.25 «Хоним ташрифи». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
14.35 Мультфильмлар.
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Тедди Ракспиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.
16.40 «Қизлар ўртасидаги сир».
17.00 «Парвоздаги уй». Кўп серияли мультфильм премьераси.
17.30 «Дастлабки кўргазма».
17.50 «Технодром».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.
18.50 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
19.00 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.50 «Миниатюра».
20.00 «Севги тарихи».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «КТВ-I» ҳамда «Франс интернасиональ» канали режиссёр К. Шабролнинг фильмлари ретроспективасини таништиради: «Қассоб». Бадиий фильм премьераси (Франция—Италия).
23.00 «Останкино» хит-паради.
24.00 Янгиликлар.
00.40 Шахмат бўйича жаҳон биринчилигида.
00.55 «Матбуот-экспресс».
01.05 Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Голландия — Англия терма командалари. 2-тайм. Голландиядан олиб кўрсатилади.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 «Талаб қилинади...».
8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.00 «Параллеллар».
9.15 Христианлар учун кўрсатув.
9.45 «Асил ҳолича».
10.40 Мульти-пульти.
10.50 «Ватаним менинг».
11.45 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 230-серия.
12.35 «Омад кулиб боққанда».
13.35 «Деҳқонларга таалуқли масала».
13.55 Киноқиссалар. «Тақдир». Бадиий фильм. 2-серия.
15.05 Мусиқий коллекция. Пианиночи Шарль Доблер (Швейцария).
15.30 Мульти-пульти.
15.45 «Рост» студияси. «Кенгуру».
16.15 Янгиликлар.
16.30 «Сигнал».
16.45 «Трансросэфир».
17.30 «Рус ижозатномаси».

18.00—20.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.25 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 231-серия.
21.15 «/-клуб».

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.40 «Кўздан ғойиб бўлаётган манзара». Лев Аннинский кўрсатуви.
23.40 «Осойишталик № 9».

Пайшанба, 14. X

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.40 «Куйла, дилкаш дуторим».
7.50 «Маҳмадона». Мультфильм.
8.00 «Қувноқ болалар».
8.15 «Тоғли ўлка». Телефильм.
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

*

9.00 Матбуот саҳифаларида (рус тилида).
9.10 «Табиат—ҳаёт чашмаси». Кинопрограмма.
10.00 «Кичкинтой» студияси. «Табиат алифбоси».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика. Бейсик тилида алгебрик ифодалар.
11.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёшлик» студияси. «Ғазалхон ёшлигим».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Чорраҳа».
19.40 Республикада хизмат кўрсатган артист Ҳадя Юсупова куйлайди.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Ватанни севмоқ иймондандир...».
21.30 Мерос. «Шоҳнома».
22.10 «Хўроз». Бадиий фильм.
23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Болалар учун. «Табассум».
19.50 «Армуда». Телефильм.
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.15 «Тошкент оқшомлари».
21.30 «Пульс». Хабарлар.
«ОМАД» таништиради.
21.45 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 21.20, 00.35 —Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.10 Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Голландия—Англия терма командалари. 2-тайм. Голландиядан кўрсатилади.
11.00 «Ҳайвонот оламида» (сурдо таржимаси билан).
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Сарсонлик-саргардонликда». Ўн уч серияли телевизион бадиий фильм. 10-серия.
13.35 «Отўйин». Телевизион бадиий фильм.
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Тедди Ракспиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.
16.40 Мультфильмлар.
17.00 «Рок-сабоқ».
17.40 «...16 ёшгача ва ундан катталар». Танаффус пайтида (18.00) — Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.55 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.45 «Кинопанорама».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Мулкдор алифбоси».
21.35 «Мосфильм» киностудиясининг 75 йиллигига. «Иван Васильевич касбини ўзгартиради». Бадиий фильм (1973 й.).
23.15 Хоккей. Халқаро хоккей лигаси чемпионати. «Крылья Советов» (Москва) — «Металлург» (Магнитогорск). 2-давр.
24.00 Янгиликлар.
00.40 Хоккей. Халқаро хоккей лигаси чемпионати. «Крылья Советов» (Москва) — «Металлург» (Магнитогорск). 3-давр.
01.20 «MTV».
02.20 «Матбуот-экспресс».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 «Талаб қилинади...».
8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.00 «Мегаполис».
9.30 Тонгги концерт.
9.45 «Кўздан ғойиб бўлаётган манзара». Лев Аннинский кўрсатуви.
10.40 «К-2» таништиради: «Халқ фраки».
11.35 «Параллеллар».
11.50 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 231-серия.
12.40 «Ёз хотиралари». Мусиқий-дам олиш кўрсатуви.
13.40 «Деҳқонларга таалуқли масала».
14.05 «Қутқариш хизмати 911».
15.00 «Ибодатхонадан бошлаймиз». Ҳужжатли фильм премьераси.
15.25 «Тилла шпора».
15.55 «Рост» студияси. «Космос сабоқлари», «Биринчи тайм».
16.25 Янгиликлар.
16.40 Телегазета.
16.45 «Трансросэфир».
17.30 «Тинчлик ва уруш».

*

18.00—20.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.20 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 232-серия.
21.10 «Ўз-ўзига режиссёр».
21.40 П. И. Чайковский. «1812 йил» увертюраси. Санкт-Петербург филармониясининг академик симфоник оркестри ижро этади.

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.35 «Кимдир йўқотади, кимдир топади ёки «Холис мулоҳазалар».
23.20 «Маскарад». Мусиқий-дам олиш кўрсатуви.
23.45 Криминал хабарлар экрани.
23.55 «Тундаги қуёш».

Жума, 15. X

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Ёшлар куйлаганда».
7.50 «Чумчуқвой». Мультфильм.
8.00 Мутахассис маслаҳати.
8.10 «Академик Пугаченкова». Телефильм.
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

*

9.00 «Кўринмас одам». Бадиий фильм.
10.25 «Оламни асранг».
11.05 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Баҳовуддин Нақшбанд». Телефильм.
18.20 «Фан уфқлари».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Яхшилар етсин муродга...». Мусиқий кўрсатув.
19.55 Дунё воқеалари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар.
21.10 «Сайрам қадамжоларида».
22.00 «Машина ойнасидаги шайтонвачча». Бадиий фильм.
23.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Ўзбекистон спорти» (рус тилида).
20.05 «Регистон узра куй». Телефильм.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Марк Твен қарши». Телевизион бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 Эртак ҳузурида меҳмонда. «Кичкинтой Мукнинг саргузаштлари». Телевизион бадиий фильм.
10.45 Р. Леденев. Виолончель ва оркестр учун концерт программаси.
11.00 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Америка М. Таратута билан».
12.50 А. Софронов. «Юрак операцияси». Телеспектакль.
14.30 Концерт.
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Бридж».
15.50 «Бизнес-класс».
16.05 Эртак ҳузурида меҳмонда. «Кичкинтой Мукнинг саргузаштлари». Телевизион бадиий фильм.
17.30 Мультфильм.
17.40 «Музограф».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20 «Бошқалар». Ингушистондан репортаж.
18.40 «Инсон ва қонун».
19.15 «Америка М. Таратута билан».
19.45 «Мўъжизалар майдони».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
21.45 «Детективлар клуби»да. «Марлоу — хусусий изқувар». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
22.50 «Сиёсий бюро».
23.30 Хоккей. Халқаро хоккей лигаси. «Динамо» (Москва)— «Лада» (Тольятти). 3-давр.
00.10 Янгиликлар.
«ВИД» таништиради:
00.45 «Музобоз».
01.25 «Авто-шоу».
01.55 «Мусиқий соат».

*

03.00 Шахмат бўйича жаҳон биринчилигида.
03.15 «Матбуот-экспресс».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 «Талаб қилинади...».
8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.00 Тонгги концерт.
9.15 Кимдир йўқотади, кимдир топади ёки «Холис мулоҳазалар».
9.55 Ўз ишининг усталари. «Байрамда туғилган». В. Розов.
10.40 «Сўнган юлдузми?».
11.10 Мусиқа йирик планда. «Интрада». Пианиночи Михаил Лидский.
12.05 Мульти-пульти.
12.15 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 232-серия.
13.05 «Шаҳарча». Дам олиш кўрсатуви.
13.35 «Деҳқонларга таалуқли масала».
13.55 «Ўз-ўзига режиссёр».
14.25 Жума кунлари Дисней. «Зудлик билан болалар талаб қилинади». Бадиий фильм. 2-серия.
15.15 Мульти-пульти.
15.45 «Очиқ мусиқа». Санкт-Петербургдаги джаз мусиқаси фестивалида.
16.30 Янгиликлар.
16.45 Телегазета.
16.50 Мусиқий кўрсатув.
17.00 «Оқ қарға».

*

18.00—20.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.20 Г. Горин. «Маърака». «Ленком» театрининг М. Захаров саҳналаштирган спектакли.

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.40 «Маърака». Спектаклнинг давоми.
00.10 «К-2» таништиради: «Абзац».
01.10 «Винил чангалзорлари».

Шанба, 16. X

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 Халқ қўшиқлари.
7.50 «Кучукча ва эски шиппак». Мультфильм.
8.00 Дунё воқеалари.
8.15 Шифокор маслаҳати.
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

*

9.00 Республика газеталарининг шарҳи.
9.10 Ўзбек тилини ўрганамиз.
9.40 «Пушчик Прагага боради». Бадиий фильм.
11.00 «Ёшлик» студияси. «Тежамкорлик сирлари».
11.40 Турк тили.
12.10 «Миразиз куйлаганда». Фильм-концерт.
12.40 «Дийдорингни кўргали зорман...».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Ўсмирлар учун. «Гўзаллик гулшани».
18.30 «Ёшлик» студияси. «Кимга қанақа!».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти. (рус тилида).
19.20 «Хонатлас». Телефильм.
19.30 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Кинолавҳа.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Нафосат». Тележурнал.
22.00 Комилжон Отаниёзов номидаги «Лазги» ашула ва рақс ансамблининг «Хива сайли» номли янги дастури. Халқлар Дўстлиги саройидан ёзиб олинган.
23.00 «Тунги ёғду». Дам олиш кинопрограммаси.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти. (рус тилида).
19.30 «Бузулук ўрмони», «Асрлар хотираси». Телефильмлар.
19.55 Анжела Пўлатова куйлайди.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Иккинчи доира бўйича». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.45, 15.20, 21.20, 00.35 —Кўрсатувлар тартиби.
6.50 Эрталабки гимнастика.
7.00 «Матбуот-экспресс».
7.10 «Ишбилармон кишининг шанба тонги».
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Спорт-имконият».
9.00 «Марафон-15» — кичкинтойларга.
9.30 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.
10.55 «Сергий бутхонаси». Уч серияли ҳужжатли фильм премьераси. 2-фильм.
11.50 «Авиакосмик салон».
12.05 «Мусиқий дўкон».
12.40 «Ҳукумат кишилари».
12.55 Актёрлар ва тақдирлар. «Тинч оқар Дон». Бадиий фильм. 1-серия (1957 й.).
15.00 Янгиликлар.
15.25 «Пеппи — Узун пайпоқ». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-серия.
15.55 «Пул ва сиёсат». Халқаро муносабатлар иқтисодиёт кўзгусида.
16.25 «Ультра-си». Спорт кўрсатуви.
16.55 «Қизил квадрат».
17.35 «Россия хроникаси».
18.25 «Бахтли тасодиф».
19.20 «Дилхушлик».
19.40 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Стингрей». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Дженнининг уруши». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.
22.25 «Резонанс» студияси таништиради.
22.45 «Матбуот-экспресс».
22.55 «Олқишлар» мукофоти». Томошалар империяси.
24.00 Янгиликлар,
00.40 Охирги киносеанс. «Декалог-V». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси (Польша).
01.40 «Джаз оламида».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 Мусиқий коллекция. «Александр-джаз квартет».
8.55 «730-формула».
9.25 «Ҳали англанмаган коинот».
9.55 «Рост» студияси. «Истеъдодларни излаб Саратовга». 1-қисм.
10.25 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.

*

11.10—14.30
«ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

11.10 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
11.20 «Бизнен мирас» (татар тилида).
12.00 «Умид» (уйғур тилида).
12.50 «Шарқ дурдоналари».
13.40 «Ижод саҳифалари».
14.15 «Бу ажиб дунё».

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

14.30 «Чегарасиз футбол».
15.30 «Пушкин вальси». 1-қисм.
16.00 «Жаҳоннинг машҳур цирклари».
17.00 «Амика Веритас».

*

18.00—20.15
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.15 «Уинстон Черчилль — чўққига йўл». Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 3-серия.
21.15 «Фильмлар премьераси».
21.30 «Шаҳарча». Дам олиш кўрсатуви.

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.35 «Ксюша ҳузурида».
23.05 «Репортёр».
23.20 «Санкт-Петербург мусиқаси».
23.50 Тунги сеанс. «Фуэте». Бадиий фильм.
01.35 Пласидо Доминго ва Хулио Иглесиас «Испанча фантазиялар» кўрсатувида.

Якшанба, 17. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».

*

8.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
8.30 «Маҳобҳорат». Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 36—37-сериялар.
10.00 «Алифбо сабоқлари».
10.30 «Йўл интизомни ёқтиради». Бевосита мулоқот.
11.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар».
12.15 Хитой тили.
12.45 «Ёшлик» студияси. «Ишонч».
13.25 «Кичкинтой устахонаси».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Билмасвой Қуёшли шаҳарда». Мультфильм.
18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари».
18.45 «Ойнаи жаҳонда».
19.00 «Ҳафтанома» (рус тилида).
19.30 «Истиқлол ва адабиёт».
20.00 Дам олиш концерти.
20.30 «Ҳафтанома».
21.10 «Ҳорманг пахтакорлар!». Пахтакорлар учун кўрсатув ва концерт.
22.00 Республика театрларининг телевизион фестивали. А. Чўлпон. «Асорат». Йўлдош Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ОМАД» ТАНИШТИРАДИ:
17.00 «Мультфейерверк».
17.40 «ОМАД»-курьер.
17.55 «Мусиқий йўлка».
18.10 «Ҳар соҳадан бир шингил».
18.20 «СОВҒА».
18.50 «Салом, ёшлар!».
19.15 «ДАРАКЧИ».
19.25 РЕКЛАМА.
19.30 «Видео-«ОМАД». «Елдек учган умр». Бадиий фильм. 2-серия.
21.10 «4/8» мусиқий кўрсатуви.
21.25 «ОМАД»-курьер.
21.35 «Мусиқий йўлка».
22.05 «ДАРАКЧИ».
22.15 РЕКЛАМА.
22.20 «Видео-«ОМАД».

● «ОРБИТА IV»

6.40, 15.15, 00.15 — Кўрсатувлар тартиби.
6.45 Эрталабки гимнастика.
6.55 «Руҳни чиниқтириш».
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Авто-шоу».
9.00 «Марказ».
9.30 «Эрта саҳарлаб».
10.00 «Ҳамма уйдалигида».
10.30 «Спортлото».
10.45 «Тонг юлдузи».
11.35 «Полигон».
12.05 «Марафон-15».
12.45 «ПИ» белгиси билан.
13.30 «Мен — аёлман».

«КТВ-I» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради:

14.00 «Француз пазандалари сизга тавсия этадилар».
4.10 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.
15.00 Янгиликлар.
15.20 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.
16.00 «Саёҳатчилар клуби».
16.50 «Ҳунарли хор бўлмайди».
16.55 Мультфильмлар премьераси: «Каспер ва унинг дўстлари», «Ҳақиқий ажина овловчилар».
17.45 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
18.25 А. Буйнов куйлайди.
18.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
19.00 «Аншлаг. Аншлаг».
20.30 Телеэкранда биринчи марта. «Ўрта ёш кишининг муҳаббати». Бадиий фильм. («Фора-фильм», 1990 й.).
22.00 Янгиликлар.
22.45 «Орзулар вокзали». Ю. Башмет.
23.45 Шахмат бўйича жаҳон биринчилигида.
24.00 Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 «Йўқолган китоб». Ҳужжатли фильм.
8.55 «Хайрли тонг!».
9.25 «Қарама-қаршиликлар».
10.05 «Рост» студияси. «Истеъдодларни излаб Саратовга». 2-қисм.
10.35 «Калит» кўрсатуви. «Шоҳона мусобақа».

*

11.05—13.50
«ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

11.05 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
11.15 «Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда».
12.00 «Саҳрода мўъжиза яратган».
13.00 «Аждодлар даъвати».
13.40 «Бу ажиб дунё».

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

13.50 «Деҳқонларга таалуқли масала».
14.10 «Кесиб ташламанг...».
14.25 Кундузги сеанс. «Қўзёшлар томчиларди». Бадиий фильм.
15.50 Россия қобусномаси. «Ўзлигига қайтиш».
16.20 «Ҳайвонот оламида».
17.25 «Метрополис».
18.00 «Океандаги орол». Телефильм.
18.20 Диснейнинг сеҳрли олами. «Винни-Пухнинг янги саргузаштлари», «Қора плашч».
19.10 «Ҳар бир кун байрам».
19.20 «Зудлик билан шеър талаб қилинади...». Е. Евтушенконинг ижодий кечаси.
20.20 Телеэкранда — премьера. «Ғалати одамлар». Бадиий фильм.

*

22.00—24.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

Имкониятни бой бермай алоқа бўлимларига шошилинг!

Унинг бир йиллик обуна нархи 20 минг 400 сўм.

Олти ойга 10 минг 200 сўм. Қиммат дейсизми? Арзон эмас, албатта. Аммо, «Арзон беминнат бўлмас, қиммат — беҳикмат», деган мақолни ҳам унутманг.

Эслатма: «Ўзбекистон овози» ҳафтада беш марта чиқади, телекўрсатувлар программаси унда мунтазам бериб борилади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» СИЗНИНГ ЭНГ СЕВИМЛИ ВА ИШОНЧЛИ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИБ ҚОЛИШИГА КАФОЛАТ БЕРАМИЗ.

• МУБОРАК ЗОТЛАР

ХОЖА АБДУЛҲОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ

Бисмиллоҳир Роҳманир Роҳийм!

Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний оталари Хожа Абдулжамил Раҳматуллоҳ — Алай имом номи билан машҳур бўлиб масжидда имоми маъруф эдилар. Авваллари Румда сокин эдилар. Рум подшоҳларининг авлодидан бўлиб, Ҳизр Алайҳиссаломга суҳбатдош бўлганлар. Ҳизр Алайҳиссалом бу улуғ зотнинг тушларига кирган ва Бухорои Шарифга сафар қилишлари, Ғиждувонга келиб фарзанд кўриб, муборак исмларини Абдулҳолиқ қўйишларини башорат қилганлар. Шундан сўнг Хожа Абдулжамил Румий Румдан карвон билан Бухорои Шарифга сафар қилганлар. 1103 йилда фарзанд кўриб, исмини Абдулҳолиқ қўйганлар.

Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний узун бўйли, қалам қошли, буғдой рангли ва гўзал юзли улуғ зот эдилар. Ёшликларида Исломий тасаввуф ва соф диний урфодатлар қуршовида униб-ўсдилар. Тўққиз ёшларида Қуръони Каримни ёд олиб, ўн ёшларида дарвешларга қўшилдилар. Илк устозлари ўз даврининг машҳур олими, тафсир илмининг султони Имом Садриддин билан Бухорои Шарифда учрашиб, тафсир илмини мукаммал ўргандилар.

22 ёшларида, Бухорои Шарифда баланд мақом, бутун номлари кетган шайх Абу Яқуб Юсуф Ҳамадоний билан учрашиш шарафига ноил бўлдилар ва тез орада машҳур шайхнинг муридига айландилар. Истеъдодли Хожа Абдулҳолиқ шайх Хожа Юсуф Ҳамадоний эътиборларига сазовор бўлдилар. У киши Хожа Абдулҳолиқ ҳазратларини сўфийлар жамоасига олиб кирдилар. Шайх ва пир унвонини бердилар. Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг тариқалари Зикри Алоний ошкора зикр тушириш эди, кунлардан бир кун Хожа Абдулҳолиқ Хожа Юсуф Ҳамадоний ҳазратларига Ҳизр алайҳиссаломдан «Зикри Хуфия», «Махфий зикр сабоғини» олганларини изҳор қиладилар. Шунда устоз Ҳамадоний «бир важ ила алардин маъмур бўлибсиз, машғул бўлинглар» деб фатво берадилар. Устоз ва шогирдлик ришталари шу ерда тўхтаб қолган эмас, устозлари Хуросонга кетгунча Ғиждувоний у улуғ зотнинг хизмат мулозаматларида бўлиб кўп илм ўргандилар, ўзларини ибодат риёзотга машғул тутиб, бешта улуғ асар битдилар:

Маъно Киби Хўжа Юсуф Ҳамадоний.

Рисолайн Шай Ал-Шуюх Хожа Юсуф Ҳамадоний.

Ибтидон Жомиъа Ал-Қалам.

Ичкаридан чиқаётган ҳар бир нафас огоҳлик ва ҳузур юзасидан бўлиши, ғафлат унга ҳеч йўл топмаслиги керак. Ҳазрат Хожа Баҳоуддин — Ҳўш Дар дам: — Бу йўлда ишнинг асосини нафас устига қурмоқ керакки, замоннинг муҳим вазифасига машғул бўлишда хаёлни ўтмишдан ва фикрни келажакдан озод этсин ва ҳар бир нафасни зое этмасликка уринсин. Нафаснинг кириши, чиқиши ва икки нафас ўртасида эҳтиёт қилинсинки, нафас ғафлат билан кириб чиқмасин.

2-Рашха. НАЗАР БАР ҚАДАМ — Назари доим оёқ панжаларининг устида бўлсин, токи унинг назари сочилмасин ва кераксиз жойга тушмасин.

3-Рашха. САФАР ДАР ВАТАН — тариқат йўлида юрувчи одамийликнинг табиатида сафар қилади, яъни одамийлик сифатидан фариштa сифатига ўтади. Янада тўғрироғи, ёмонлик сифатидан яхшилик сифати томон кўчади.

4-Рашха. ХИЛВАТ ДАР АНЖУМАН — Хожа Баҳоуддиндан сўрадилар: Сизнинг тариқат йўлингизнинг асоси нима? Жавоб бердилар: зоҳиран халқ билан, ботинан ҳақ билан. Ҳақ Субҳанаҳу ватаъолонинг (Қуръонда): «Шундай одамлар борки, олмайди» деган сўзи айнан худони ёдлашдан чалғита олмайди» деган сўзи айнан шу ҳолатга ишорадир...

5-Рашха. ЁДКАРД — бу зикри Лисоний (тил зикри) ёки зикри қалбий (дил зикридир) Мавлоно Саъдуддин Қошғарий айтадиларким, зикри таълим беришнинг йўли шуки, шайх аввал дили билан «Ло ИЛОҲА ИЛЛОЛОҲУ МУҲАММАДУР РАСУЛУЛЛОҲ» дейди. Мурид эса диққатини жамлаб, кўнглини шайхнинг кўнгли рўпарасида тутади, кўзини очиб, оғзини маҳкам юмади, нафас олмай, эҳтиром ва кучли ички қувват билан юқоридаги зикрни айтишга бошлайди. Бу зикрни тили билан эмас, балки кўнгли билан айтади. Нафас олмасликка чидаб, уч марта «Ло Илоҳа Иллолоҳу Муҳаммадур Расулуллоҳ»ни айтсин, токи зикр ҳаловати кўнглига етсин.

6-Рашха. БОЗГАШТ — шундайки, зикрни айтувчи тили ёки дилида калиман тойиибани айтганда «худовандо, мени мақсадим сенсан» сўзини айтади. Бу «бозгашт» деган яхши ёки ёмон фикрларинң одамдан ҳайдовчидир, у зикрни холис қилади, зикрни ўзга нафслардан озод этади. Зикрни бошловчи бу сўзларини айтаётган пайтда чин дилдан бўлмаётганини сезса ҳам, бироқ уни айтишни тарк этмасин, бора-бора у ҳақиқатга айланиб, таъсири зоҳир бўлади.

7-Рашха. НИГОҲДОШТ — Ҳар хил фикрлардан халос бўлиш ташқи оламдан ажралишга интилиш бўлиб, калимаи тойиибани бир нафасда неча марта айтса ҳам шу давр ичида, ҳаёлни бошқа нарсалардан тийиши лозим.

Мавлоно Саъдуддин Қошғарий марҳамат қиладиларким: Бир соат ёки икки соат ва ундан ҳам кўп вақт имкони борича, ўзини хаёлу фикрларидан асрасин, шундан сўнггина бошқа нарса ҳақида фикрласин.

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг энг яқин дўстларидан бири Мавлоно Қосим бир куни айтишларича, улар нигоҳдошда шундай малакa ҳосил қилибдиларки, кун чиқишдан то чоштгоҳгача кўнглини ўзга нарсаларнинг фикридан сақлай олар эканлар. Шунча вақт ичида хаёл қуввати ўз амалида қолар экан.

8-Рашха. ЁДДОШТ — шундайки ундан мақсад ҳақ субҳонаҳу ва таъолони доимо завқу шавқ билан ёдда тутиб огоҳ бўлишдир. Баъзилар уни «Гойиб бўлмайдиган ҳузур» деган ибора билан ҳам айтадилар. Баъзи ҳақиқат аҳлининг назарида у шундай бир мушоҳададурки, ҳақ субҳонаҳу ва таъоло муҳаббати кўнглини тамоман қамраб олади, бу эса ёддоштнинг ҳосил бўлишидан даракдир. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор охирги тўрт калиманинг шарҳида қуйидагиларни айтади: Еркард-зикрда қаттиқ ҳаракат қилиш бозгашт Ҳақ субҳонаҳу ва таъолога юзланиб, ҳар гал калимаи тойиба (Ло илоҳа иллолоҳу Муҳаммадур расулуллоҳ)ни айтганда «Худовандо мақсадум сен турурсан» дейишдир. Нигоҳдошт тил билан айтмай дил орқали айтиш, ёддошт-нигоҳдошда мустаҳкам туришдир.

1179 йилда ҳожалар аҳлининг ҳожаси Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний 76 ёшларида Ғиждувонда вафот этганлар. Муборак жасадлари шу ерда.

Дунёга машҳур нақшбандийлик тариқати хожагонликдан униб ўсган, шу боисдан ҳам уламолар ул зотга Силсилайи сарҳалқаи Нақшбандия деб таъриф берадилар.

Мулло Фахриддин Усто Ато ўғли РАЖАБОВ, Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний жомеъ масжидининг имом хатиби.

• *Бунисига нима дейсиз?*

ФАРИШТАНИНГ ДАСТХАТИМИ?

Ўтган ҳафта мактабимизда ҳамкасбларимиздан бири «Фаришталар айрим уйларга кириб чойнак-пиёлаларга белги қўйиб кетаётганмиш» деб қолди. Мен ишонмадим. Эртаси куни уйга меҳмонлар келадиган бўлди. Жавондаги чинни идишларни олаётиб, юқоридаги гап эсимга тушди. Чойнак, пиёла, коса, тақсимчаларнинг орқасига қарасам, не кўз билан кўрайки, қизил рангда ҳар бир идишнинг тагига турли рақамлар (0, 1, 2,... 21, 22 каби) битилган. Ошхонада турган идишларда бу белги йўқ эди.

Шу идишларни харид қилганимизга 15—20 йил бўлган. Мен уларда бундай белги йўқлигини аниқ-тиниқ билардим. Ажабо, чинни идишларда дастхат қолдираётган фаришталар чиндан ҳам бормикан? Янаги куни ишга борсам мактабимизда фаррош бўлиб ишлаётган Муҳаббат ҳам ўз уйида худди шу ҳолнинг гувоҳи бўлганини гапириб берди...

Марҳамат ТОЖИДДИНОВА. Тошкент шаҳри.

КАСБДОШИМИЗ ХОТИРАСИ



Ўзбек матбуотининг кекса авлодига мансуб Жуманиёз Маҳмудов орамиздан кетди. Лекин ундан республика матбуотини ривожлантириш, газета ва журналлар учун кадрлар тайёрлаш борасида кўзга кўринарли из қолди.

Жўманиёз Маҳмудов 1908 йилда Хоразм вилоятида таваллуд топди. Меҳнат фаолиятини 1925 йили туман босмахонасида оддий ишчиликдан бошлади. Газетачилик касбига меҳр унинг қалбида ҳудди шу ерда барг ёзди. Кейинчалик махсус курсларда ўқигач, матбуот соҳасида ишлашга ўтди. Аввал Қарши туманидаги МТС сиёсий бўлимининг газетасига муҳаррир бўлди, сўнг бир неча йил Чиноз тумани газетасига раҳбарлик қилди.

1936 йили Жуманиёз Маҳмудовни Ўзбекистон Комфирқаси Марказий Қўмитаси матбуот шўъбасига йўриқчилик вазифасига таклиф этишди. Бу ерда у доимий равишда туман ва вилоят газеталари билан яқин алоқада бўлди. 1937—1938 йиллари икки йиллик республика газетачилик мактабининг директори бўлиб ишлади.

Унинг журналистика соҳасида йиллар мобайнида тўплаган тажрибаси «Мухбирлар йўлдоши» (ҳозирги «Ўзбекистон матбуоти») ҳамда «Муштум» журналларига муҳаррирлик қилган пайтларида ниҳоятда асқотди. Ўн икки йил мобайнида Тошкент тепловоз-вагон ремонт заводининг кўпнусхали газетасига бошчилик қилди.

Жуманиёз Маҳмудов нафақага чиққанидан кейин ҳам газета ва журналлар билан алоқасини узмади. Узоқ йиллар мобайнида «Муштум» журнали ҳамда «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасининг жамоатчилик қабулхоналарини бошқарди. Одамларнинг дардига, ташвишларига шерик бўлди, қўлидан келганича уларга ёрдам кўрсатди. Унинг хизматлари муносиб тақдирланди. Унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилганди.

Заҳматкаш, покиза инсон Жуманиёз Маҳмудовнинг хотираси уни билган ёру дўстлари қалбида умрбод сақланиб қолади. Илоё, марҳумнинг охирати обод бўлсин.

Бир гуруҳ ўртоқлари.

• ЛУҚМА •

КИШИ БИЛМАС ЖЎМРАКЛАР

Сурхондарёда кўпдан бери бензин танқис. Шундай бўлса-да, кўчаларда ғизиллаб қатнаётган шахсий автомашиналар сони камайгани йўқ. Қизиқ, бирон жойда бензин сотилмаётган бўлса, уни машина эгалари қаердан олаётган экан? Бу саволга Денов тумани ички ишлар бўлими ходимлари жавоб топгандай бўлишди. Тумандаги «Хайрбоғ» давлат хўжалиги ҳудудида яшовчи, олибсотарликни касб қилиб олган Нодир Тангиров 4500 литр бензинни 350 сўмдан пуллаётганда қўлга тушди.

Хўш, Н. Тангировга ўхшаган кимсалар ёнилғини қаердан, кимдан олиб, жарақ-жарақ пул топаётган экан? Ёки киши билмас жўмраклар борми? Бу саволга тергов ходимлари жавоб топади, деб ўйлаймиз.

Ч. ТЎХТАЕВ, ЎзА мухбири.

УЧ ЁШДА... МАКТАБГА

⊙ Ишонаверинг, энди самарқандлик иқтидорли, ўткир зеҳнли болакайлар ҳатто уч ёшидан бошлаб ҳам мактабга қатнаши мумкин. Чунки бу ерда республикада биринчи бўлиб ижодий лаёқатли ўғил-қизлар мактаби очилди.

Дарвоқе, мактабга ўқувчилар ҳам, ўқитувчилар ҳам тест асосида синаб олинди.

Болалар кўпроқ сўзлар маъноси, табиатшунослик, мусиқа, оддий ҳисоб-китоб билан шуғулланишади. Тўрт ёшлиларга эса инглиз, араб тиллари ўргатила бошланади. Хуллас, улар 17 ёшгача бу ерда таълим-тарбия олишади. Ўқувчиларнинг лаёқатларига, қизиқишларига қараб ўнлаб тўгарак ва қўшимча дарслар очишни мўлжалланмоқда.

Фармон ТОШЕВ.

• МИСР ЖУРНАЛИСТИ—МЕҲМОНИМИЗ

НИЯТИ РЎЁБГА ЧИҚДИ

Миср Араб Республикасида чиқадиган машҳур «Ал-Аҳром» кундалик газетасининг халқаро ҳаёт бўйича махсус мухбири Ҳадича Қосим Ўзбекистонда бир неча кун ижодий сафарда бўлди.

Унинг бу ерга зиёрат қилишидан мақсади Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги икки йиллиги муносабати билан диёримизнинг дастлабки қадамлари ҳақида мақолалар, репортажлар ёзишдир. Биз у билан суҳбатлашдик.

— Ҳурматли Ҳадича Қосим. Сиз бир неча кунлик сафарингиз чоғида олган таассуротларингиздан кўнглингиз тўлдими?

— Қадимий днёр — Ўзбекистонни зиёрат қилиш менинг кўп йиллик орзуим эди. Ниҳоят ниятим рўёбга чиқди. Мақсадим, Ўзбекистон мустақиллигининг шахдам одимларини ва унинг нашидасини ўз кўзим билан кўриш эди. Алҳамдулиллоҳ, бунга эришдим. Чиндан ҳам мустақиллик тантана қилганлигини ҳар қадамда кўрдим. Аввал сафар қилишим учун кўп китобларни ўқиб чиқдим. Айниқса жаҳон оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон ва унинг Президенти Ислом Каримовнинг сиёсати тўғрисида ёзилган мақолалар, юртбошингизнинг мухбирлар билан қилган суҳбатларини ўқидим. Бу ерга келганимда ҳамма фикрлар чиндан ҳам муштарак эканлигида тўлиқ қаноат ҳосил қилдим.

Сафарим чоғида қадимий ва кўҳна Бухоро шаҳрида бўлдим. Унинг ноёб обидалари менда чексиз таассурот қолдирди. Нақшбанд тавалludи муносиб нишонланибди. Умуман, диёрингизда ислом динига қулай имкониятлар яратиб берилганлигининг шоҳиди бўлдим. Бундан ташқари, Тошкентдаги бир қатор олий ва илмий даргоҳларда бўлдим, ажойиб одамлар билан суҳбатлашдим. Ўзбекларнинг миллий ифтихори ва ғурури мени ғоятда мафтун этди.

— «Ал-Аҳром» газетаси ҳақида қисқача маълумот берсангиз.

— Мисрликларнинг энг севимли нашри «Ал-Аҳром» дастлабки сони чиқа бошлаганига юз йилдан ошган. Ҳозирда таҳририятимизда тўрт юз журналист меҳнат қилади. Босмахона ва бошқа хўжалик хизматларида 7 минг киши ишлайди. Газета ҳар куни дам олиш кунисиз 10—16 рангли саҳифада 2,5 миллион нусхада чоп этилади. Унинг ўнлаб иловалари ҳам бор. Бундан ташқари, газета жаҳоннинг АҚШ, Англия, Франция, Германия сингари ўнлаб мамлакатларда ўзининг бўлимларини очган.

«Ал-Аҳром» муҳарририяти газета саҳифаларидан Марказий Осиё давлатлари ҳаётига муносиб ўрин беришга ҳаракат қилмоқда. Айниқса, Ўзбекистонда юз бераётган қувончли воқеалар бажонидил ёритиляпти. Республикангиз мустақилликка эришган кундан буён талай мақолалар ва суратлар босиб чиқарилди.


Пайтдан фойдаланиб, «Ал-Аҳром» газетаси ижодкорларининг барча ўзбекистонликларга йўллаган қизғин саломини газетангиз орқали етказишингизни сўрайман.

Абдулла ПУЛАТОВ.

• СПОРТ •

СОВРИН КИМГА НАСИБ ЭТАРКИН?

Шу кунларда Тошкентдаги «Алпомиш» спорт саройи мухлислар билан гавжумлашиб турибди. Бу ерда ўрнатилган катта рингда кучли боксчиларнинг «Ўзбекистон мустақиллиги кубоги» учун халқаро мусобақаси ўтказилмоқда. Саралаш мусобақалари муросасиз баҳсларга айланмоқда. Ҳар бир боксчи курашни давом эттириш ҳуқуқини олиш учун маҳорат кўрсатишга интилмоқда.



Тошкент халқаро мусобақасининг тантанали очилиш маросими эса ўзига хос спорт байрамига айланди. Афғонистон, Руминия, Ҳиндистон каби хорижий мамлакатлар ҳамда Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги вакиллари хусусан, Буряти, Бошқирдистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистондан келган боксчилар жамоалари саф тортдилар. Москвада юз берган ноҳуш воқеалар муносабати билан Россия жамоаси мусобақага кечроқ ташриф буюрди. Мусобақага тайёргарлик ва уни ўтказиш ташкилот қўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев мамлакатимизда илк марта уюштирилган мустақиллик кубоги учун мусобақани ўтказилиши юртимизда спортнинг бокс турига алоҳида эътибор берилаётганидан нишона эканлигини таъкидлади. Дарвоқе, мазкур халқаро мусобақани ташкил этиш муносабати билан диёримиз таниқли чарм қўлқоп усталари, тренерлари, мутасадди мутахассислари ҳамда бокс фахрийлари Президентимиз И. Каримов номига муроажаатнома қабул қилишган эди. Мазкур мактубда шундай сатрлар бор:

«Сизнинг оғаларча ғамхўрлигингиз, жисмоний тарбия ва спортга эътиборингиз «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тренер», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» унвонлари ҳамда «Соғлом авлод учун» орденини таъсис этилишида ўз ифодасини топди. Сизнинг мустақил давлатимизни ҳорижий мамлакатлар билан сиёсий-иқтисодий ва маданий алоқаларини мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларингиз ўз самарасини бера бошлади. Сизнинг қутлуғ қадамингиз етган жойларда она-Ватанимизга эътибор ва муносабат янгича маъно касб этмоқда. Хусусан, боксчиларимиз Туркия, Хитой, Жанубий Корея, Финляндия каби мамлакатларда бўлиб, ажойиб ютуқларга эришиб қайтишлари ҳам шундан далолат».

Мамлакатимиз пойтахтида Тошкент халқаро мусобақасининг ўтказилаётгани ҳам юртимизда боксни янада ривожлантириш, оммавийлигини таъминлаш, моҳир спортчилар сафини кенгайтириш, халқаро нуфузни оширишда муҳим аҳамият касб этиши табиий. Боксчиларга омад тилаган «Ўзбекенгилсаноат» давлат ассоциацияси бошқаруви раиси, Республика бокс федерациясининг раиси Ўктам Исмоиловнинг сўзларида ана шундай маъно бор эди.

Бугун беш кундирки, биллурдан ясалган мустақиллик кубоги мухлислар кўз ўнгида жилваланиб турибди. Боксчилар эса саралаш учрашувларини кўтаринки руҳда ўтказишга ҳаракат қилмоқдалар. Маълумки, Ўзбекистон чарм қўлқоп усталари уч жамоага бўлинган ҳолда курашни давом эттирмоқдалар. Ҳозирча уларнинг эришган ютуқлари қувонарли. Айниқса, жаҳон чемпионатининг кумуш медали совриндори Ҳикматулла Аҳмедовнинг дастлабки ғалабаси кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Ҳикматулла шунингдек, иккинчи учрашувни ҳам ўз фойдасига ҳал этиб, финалга чиқиш учун интилмоқда. Норқул Султонов, Алишер Авазбоевларнинг «жанг»лари ҳам муросасиз баҳсларга айланди. Айниқса, Алишернинг иккинчи учрашувда Вячеслав Сословцев устидан эришган ғалабаси мутахассислар диққатини тортди. Норқул ҳам совринли ўринларга даъвогар. У биринчи учрашувни Акмалбоев билан ўтказиб, мутлақ устунликка эришган эди. Ҳозир Фарҳод Аслонов, Дилшод Каримов, Эркин Абдураҳмонов, Икром Бердиев, Наримон Отаев, Уйғур Сидиқов, Шавкат Абдувоҳидов, Акмал Тўлагановлар саралаш мусобақаларини муваффақиятли давом эттирмоқдалар. Эртага ҳал қилувчи финал баҳслари бўлади. Мухлислар мустақиллик кубогининг кимга насиб этишини орзиқиб кутмоқдалар.

Ҳайдар НОСИРОВ.

ХАНДАЛАР

Халқаро симпозиумдан кейин уч тиббиёт ходими танишганларини «нишонлашишарди».

— Биласизларми, — деди француз, — яқинда бизда ноёб воқеа рўй берди. Мусиқачининг бармоқларини кесиб олишди. Сўнг сунъийсини ўрнатдик. Ишонсанглар, аввалгисидан ҳам яхши чала бошлади.

— Ажабланадиган жойи йўқ, — деб сўз қўшди немис. — Бизда спортчининг оёғини кесишганди. Биз унга шундай ясама оёқ ўрнатувдик, ҳозир югуришдан рекорд қўйяпти.

Уларни эшитиб турган Иванов суҳбатга қўшилди:

— Бунақа гаплар биз учун янгилик эмас. Кечагидай эсимда: уруш даврида хандақ қазиётсак битта, ҳалиги, кечирасизлар.... думба ётган экан. Одамнинг ўзи ўққа учган. Ҳалиги думбага қўл, оёқ, бош каби аъзоларни тикдик. Ҳозир у бир идорада раҳбар бўлиб ишлаяпти.

* * *

Бир ўқитувчи ҳамкасбига деди:

— Менга ғирт билмасвойлар йиғилган синф тушибди. Теоремани тушунтирсам — тушунишмайди. Иккинчи марта тушунтираман, фойда йўқ. Учинчи мартасида ўзим тушунаман, улар эса шунда ҳам «ғинг» дейишмайди.

* * *

Ичкиликбозликнинг зарари ҳақида ваъз ўқиларди.

— Эр ароқ ичганда, — сўзларди воиз, — хотин кетиб қолган ҳоллар кўп учрайди...

Залда кимдир сўз қотди:

— Бунинг учун қанча ичиш керак?

Русчадан таржима.

ХОНАДОНЛАР БЕПУЛ ГАЗЛАШТИРИЛДИ

Шаҳрисабз — қарийб 70 минг аҳоли яшайдиган навқирон ва тарихий шаҳар. Бу ерда Президент фармонларини амалга оширишга ўчун қизғин кураш бормоқда. Хонадонларни газлаштириш тезлаштириб юборилди. Бу ишда «Ўзбекгаз» трестининг 1-механизациялашган кўчма колоннаси, шаҳардаги махсус механизациялашган кўчма колонна «Содиқ» кичик корхонаси бунёдкорлари ғайрат кўрсатишмоқда.

Шаҳар кўчалари ва мавзеларида 25 километрли масофага табиий газ тармоқлари тортилди. Шу йилнинг ўзида юзлаб хонадонлар «зангори олов»дан баҳраманд бўлдилар. Шуниси қувончлики, шаҳар ҳокимиятининг ташаббуси билан 60 га яқин кам даромадли хонадон бепул газлаштирилди.

—Аҳоли хонадонларини табиий газ билан таъминлашда шаҳар саноат корхоналарининг моддий ёрдами қўл келяпти, — дейди шаҳар ҳокими, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати А. Зайниддинов. — Айниқса, консерва, арақ-вино, ёғ-пишлоқ заводлари, пилладакашлик фабрикаси жамоалари ўз имкониятлари даражасида иш тутиб, газлаштиришга катта маблағ ажратмоқдалар. Уларнинг ҳиммати билан шаҳримиз хонадонларининг 80 фоизи газлаштирилди.

Шунингдек, сув тармоқлари бунёд этиш кўламлари ҳам кенгайтирилди. Шаҳарда 12 километрли масофада бетон новариқлар барпо этилди. Энди қиш ва баҳор фаслларида шаҳар кўчаларида, аҳоли хонадонларида ёғингарчилик туфайли сув тўпланиб қолиш хавф солмайдиган бўлди.

Мусо КАРОМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

TEATP

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ — 9. X. соат 17.00 да «Алишер Навоий»

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚИЙ ТЕАТРИ — 9. X. соат 17.00 да «Тошкентга саёҳат»

АБРОР ҲИДОЯТОВ НОМИДАГИ ДРАМА ТЕАТРИ — 9. X. соат 17.30 да «Паранжи сирлари»

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА УҚИЙСИЗ:

● Бухоронинг сўнгги амири ёки Саид Музаффар Олимхоннинг фарзандлари тақдири ҳамда унинг олтинлари ҳақида.

● Самарқандни Искандар бино қилганми?

● Жалолиддин Румийни «кўрдик»...

● Жиноятчи ушландк. Кейин-чи?

● Туҳмат балоси (фельетон).

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни жамоаси Бош таҳририят муҳаррири Шоира Эргашевага онаси

Насиба ЭРГАШЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош мўҳаррир АЗИМ СУЮН


Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Знёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ.

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-53-14
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-76-04, 32-53-70
Фан ва маданият бўлими — 33-20-36
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-38-55, 32-55-70, 32-54-12
Котибият — 33-72-83, 32-53-06
Шароф Рашидов фонди — 33-20-36, 32-54-35

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ

Андижонда — 4-48-85; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 4-44-62; Қаршида — 3-25-79; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Термизда — 2-23-01; Фарғонада — 6-37-16.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматда босилади.
Ҳажми 3 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 22.00.
Г—583. № 185. топширилди — 21.00.
Навбатчилар: Т. ЭШБЕКОВ, С. САЛИМОВ.



МАНЗИЛИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ, ГСП, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй.